

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШ” МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й   М А Ж М У А**

**Тузувчилар: *доц. Х.Қурбонов,  
Ш.Ашурматова***

## МУНДАРИЖА

|  |     |
|--|-----|
| ИШЧИ ДАСТУР.....                               | 3   |
| ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА.....                       | 9   |
| ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....                       | 10  |
| МАЪРУЗА МАТНИ.....                             | 53  |
| ТЕСТ САВОЛЛАРИ.....                            | 77  |
| НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.....                         | 90  |
| МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ.....                    | 96  |
| МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР..... | 99  |
| ГЛОССАРИЙ.....                                 | 101 |
| ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР.....                      | 105 |

## **ИШЧИ ДАСТУР**

### **Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари**

- Тингловчиларга давлат молияси ҳақида илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга қўмаклашиш;
- Давлат молияси, унинг бўғинлари бўйича олиб борилаётган ислохотлар тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;
- Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида давлат молияси, уни бошқариш тизимидаги ислохотлар билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгилашларни илмий назарий таҳлил этиш ва ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларга етказиш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат молияси тизимидаги ислохотлар, бюджет солиқ тизими ва пул-кредит тизими борасидаги ислохотларни таҳлил этиш, Президент асарларига таянган ҳолда ўрганишдан иборат.

### **Фан бўйича билимлар, кўникмалар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари**

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар асос қилиб олинган.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Фан мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Фаннинг Олий таълимдаги ўрни**

Ҳозирги глобаллашув шароитида давлат молияси тизими ва ундаги ислохотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикамиз давлат молияси тизимидаги ислохотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда фаннинг роли юқоридир.

## Маъруза-тренинг машғулотлари мавзулари

| №                      | Мавзунинг номи  | Маъ-руза | Ама-лий | Кўчма машғулот | Мус-та-қил |
|------------------------|---|----------|---------|----------------|------------|
| 1.                     | Жамиятда давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий роли ва давлат молиясини шакллантиришнинг зарурлиги | 2        | 2       | -              | -          |
| 2.                     | Давлат молиясининг моҳияти ва молиявий сиёсат   | 2        | 2       | -              | 2          |
| 3.                     | Жамланма бюджетнинг моҳияти ва уни ташкил этишнинг зарурлиги                                  | -        | 2       | -              | -          |
| 4.                     | Бюджетдан ташқари мақсадли фондлар ва уларни ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти       | -        | 2       | -              | -          |
| 5.                     | Давлат молияси тизимида давлат кредити ва давлат қарзларини шакллантириш ва бошқариш          | -        | 2       | -              | -          |
| <b>ЖАМИ: (20 соат)</b> |   | 4        | 10      | -              | 2          |

### Маъруза машғулотлари

#### **1-мавзу. Жамиятда давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий роли ва давлат молиясини шакллантиришнинг зарурлиги (2 соат)**

1. “Давлат молиясини бошқариш” фанининг предмети, мазмуни, вазифалари ва бошқа махсус фанлар билан боғлиқлиги.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузасида давлат молиясга оид мавжуд муаммолар ва давлат молиясини ислох қилиш йўналишлари.

3. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар.

4. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлашда давлатнинг аҳамияти ва зарурлиги.

5. Иқтисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифалари.

“Давлат молиясини бошқариш” фанининг предмети, мазмуни, вазифалари ва бошқа махсус фанлар билан боғлиқлиги. Давлатнинг функциялари ва вазифалари. Давлат миллий иқтисодиётдаги асосий иқтисодий агент сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузасида давлат молиясга оид мавжуд муаммолар ва давлат молиясини ислох қилиш йўналишлари. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар.

Иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш ва ислохотларни чуқурлаштириш шароитида ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлашда давлатнинг аҳамияти ва зарурлиги. Иқтисодий барқарорлик ва уни

таъминлашда давлатнинг вазифалари. Бозор муносабатларига давлатнинг аралашуви.

**2-мавзу: Давлат молиясининг моҳияти ва молиявий сиёсат (2 соат)**

1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Давлат молиясининг бўғинлари.
3. Молиявий сиёсат ва замонавий шароитларда унинг устувор йўналишлари.

Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти. Молиянинг тақсимлаш функцияси орқали ҳосил қилинадиган пул фондлари ва унда марказлаштирилган пул фондларининг ҳиссаси. Давлатнинг молиявий ресурслар фонди ва уни шаклланиш манбалари. Давлат пул фондларини шакллантириш усуллари.

Давлат молиясининг бўғинлари: давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, давлат корхоналар молияси, давлат кредити. Бозор иқтисодиёти шароитида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад қийматини давлат молияси бўғинлари ўртасида тақсимланиш нисбатларининг ўзгариши.

Молиявий сиёсат ва замонавий шароитларда унинг устувор йўналишлари. Ҳозирги замон иқтисодиётида давлат молиявий фаолиятининг асосий йўналишлари. Давлат молияси тизимидаги ислохотларнинг босқичлари ва концептуал асослари. Иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги шароитида давлат молиясини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.

### **Амалий машғулотлар**

**1-мавзу. Жамиятда давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий роли ва давлат молиясини шакллантиришнинг зарурлиги (2 соат)**

1. “Давлат молиясини бошқариш” фанининг предмети, мазмуни, вазифалари ва бошқа махсус фанлар билан боғлиқлиги.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузасида давлат молиясига оид мавжуд масалалар ва давлат молиясини ислоҳ қилиш йўналишлари.
3. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар.
4. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлашда давлатнинг аҳамияти ва зарурлиги.
5. Иқтисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифалари.

**2-мавзу: Давлат молиясининг моҳияти ва молиявий сиёсат (2 соат)**

1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Давлат молиясининг бўғинлари.
3. Молиявий сиёсат ва замонавий шароитларда унинг устувор йўналишлари.

### **3-мавзу. Жамланма бюджетнинг моҳияти ва уни ташкил этишнинг зарурлиги (2 соат)**

1. Жамланма бюджет – давлат молия тизимининг муҳим бўғини сифатида.
2. Давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва мазмуни.
3. Иқтисодий катеория сифатида давлат бюджетининг функциялари.
4. Президентимиз Ислон Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз таракқиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли асарида бюджет тизимидаги ислохотлар ва унинг натижаларининг муҳокамаси.

### **4-мавзу. Бюджетдан ташқари мақсадли фондлар ва уларни ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти (2 соат)**

1. Бюджетдан ташқари фондларнинг мақсадлари ва вазифалари.
2. Бюджетдан ташқари фондлар жамланган бюджет бўғини сифатида.
3. Бюджетдан ташқари фондлар молиявий ресурсларининг манбалари ва улардан фойдаланиш йўллари.

### **5-мавзу. Давлат молияси тизимида давлат кредити ва давлат қарзларини шакллантириш ва бошқариш (2 соат)**

1. Давлат кредитининг мазмуни ва турлари ва таснифланиши.
2. Давлатнинг облигацион заёмлари: турлари, эмиссия тартиби ва уларни жойлаштириш. Давлат қарзлари ва уларни бошқариш усуллари.
3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат қарзларини бошқариш муаммолари.
4. Президентимиз Ислон Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз таракқиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли асарида давлат қарзлари муаммосининг муҳокамаси ва ушбу масала юзасидан белгиланган устувор вазифалар.

## Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т., 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т., 1997.
4. Каримов И.А. Бош мақсадимиз- кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 36 б.
5. Ислом Каримов 2012 йил Ватаннимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.
6. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватаннимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи газетаси –Тошкент, 2011 йил, 22 январ, №16(5183)
7. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш- тараққиётимизнинг муҳим омилидир.-Халқ сўзи, 2010 йил. 8 декабр.
8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.- Халқ сўзи, 2010 йил, 13 ноябр
9. И.А.Каримов Асосий вазифамиз – ватаннимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Тошкент: Ўзбекистон, 2010.-70 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватаннимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.–Т.:Иқтисодиёт.-2012.–233 б.
11. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. -Тошкент: “Ношир”, 2012 й.- 712 б.;
12. Маликов Т. С., Ҳайдаров Н. Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008, 566 бет.
13. Бабич А. М. Государственные и муниципальные финансы. - М.: Финансы, ЮНИТИ, 2000.- 647 с.
14. Ваҳобов А.В., Срождиддинова З.Х. Государственный бюджет: Учебник Т., «Иқтисод-молия», 2006.- 625 с.
15. Селезнев А.З. Государственный долг и внешние активы. –М.: ИНФРА-М, 2010.-312 с.
16. Срождиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик.- Т.: «infoСOM.UZ» нашриёти 2010. – 500 б.
17. Годин А. М., Максимова Н.С., Подпорина И.В. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 568 с.

18. Нешиной А.С. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник. – 5-е изд., испр. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 308 с.
19. Поляк Г.Б. Финансы бюджетных организаций.- М.: Вузовский учебник, 2006. - 417 с.
20. Лушин С.И., Слепов В.А. Государственные и муниципальные финансы. –М.: Экономист, 2006. - 317 с.
21. Яхъев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти.- Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. - 164 б.



## ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА

| №  | Мавзулар  | Машғулот тури | Соат | Ўтказилиш мuddати                          | Машғулот тури | Соат | Ўтказилиш мuddати                           |
|----|---|---------------|------|--|---------------|------|---|
| 1. | Жамиятда давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий роли ва давлат молиясини шакллантиришнинг зарурлиги | маъруза       | 2    | хар ой 1<br>хафтасининг<br>душанба<br>куни | Амалий        | 2    | хар ой 1<br>хафтасининг<br>сешанба<br>куни  |
| 2. | Давлат молиясининг моҳияти ва молиявий сиёсат   | маъруза       | 2    |  | Амалий        | 2    | хар ой 2<br>хафтасининг<br>сешанба куни     |
| 3. | Жамланма бюджетнинг моҳияти ва уни ташкил этишнинг зарурлиги                                  |               |      |  | Амалий        | 2    | хар ой 3<br>хафтасининг<br>чоршанба<br>куни |
| 4. | Бюджетдан ташқари мақсадли фондлар ва уларни ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамият        |               |      |  | Амалий        | 2    | хар ой 3<br>хафтасининг<br>пайшанба<br>куни |
| 5. | Давлат молияси тизимида давлат кредити ва давлат қарзларини шакллантириш ва бошқариш          |               |      |  | Амалий        | 2    | хар ой 4<br>хафтасининг<br>жума куни        |

## ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

### Маъруза машғулоти ташкил этишнинг шакл ва хусусиятлари:

| №  | Маъруза шакллари    | Ўзига хос тавсифловчи хусусиятлари   |
|----|---------------------|--|
| 1. | Кириш маърузаси     | Фан тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради. Педагогик вазифаси: тингловчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан таништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари билан таништириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўқув-услубий адабиётлар таҳлилини бериш, ҳисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шакллари белгилаш. |
| 2. | Маъруза ахборот     | Маърузанинг одатдаги анъанавий тури. Педагогик вазифаси: ўқув маълумотларини баён қилиш ва тушунтириш.   |
| 3. | Шарҳловчи маъруза   | Баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар ва бутун курс ёки бўлимларининг концептуал асосини ташкил этади. Педагогик вазифаси: илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш.  |
| 4. | Муаммоли маъруза    | Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилиги орқали берилади. Бунда тингловчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш.   |
| 5. | Визуал маъруза      | Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намойиш этиш ҳамда уларга аниқ ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган.<br>Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишнинг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш.  |
| 8. | Маъруза конференция | Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими (5-10 минут)дан иборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва тингловчиларнинг маърузаларга яқун ясаб, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қилади. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиш.   |
| 9. | Маслаҳат маъруза    | Турли сценарийлар ёрдамида ўтиши мумкин. Масалан, 1) «Савол-жавоб» - маърузачи томонидан бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб берилади. 2) «Савол-жавоб-дискуссия» - изланишга имкон беради. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган.  |

## 1.1. Кириш, информацион маърузани ўқитиш технологияси


|  |   |
|--|---|
| Тингловчилар сони: 20 та   | 2 соат.   |
| Ўқув машғулотининг шакли   | Кириш, информацион маъруза  |
| Маъруза режаси   | <p>1. “Давлат молиясини бошқариш” фанининг предмети, мазмуни, вазифалари ва бошқа махсус фанлар билан боғлиқлиги.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузасида давлат молиясга оид мавжуд муаммолар ва давлат молиясини ислоҳ қилиш йўналишлари.</p> <p>3. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар.</p> <p>4. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлашда давлатнинг аҳамияти ва зарурлиги.</p> <p>5. Иқтисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифалари.</p> |
| Ўқув машғулотининг мақсади   | «Давлат молиясини бошқариш» фанининг предмети, унинг мазмуни, иқтисодий муносабатларда давлатнинг роли тўғрисида Тингловчиларда тушунча ҳосил қилиш.  |
| <p><i>Педагогик вазифалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Фаннинг предмети, асосий мазмуни, таркибий тузилиши, вазифалари ҳақида тушинтиради.</li> <li>• Иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш ва ислохотларни чуқурлаштириш шароитида ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлашда давлатнинг аҳамияти ва зарурлигини тушунтириб беради;</li> <li>• Иқтисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифалари ва бозор муносабатларига давлатнинг аралашувининг зарурлигини асосли равишда ёритиб беради.</li> </ul> | <p><i>Ўқув фаолияти натижаси:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Давлат молиясини бошқариш фанининг аҳамияти ва иқтисодий фанлар тизимидаги ўрни ва аҳамияти таништиради ва изоҳ беради.</li> <li>• Иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш ва ислохотларни чуқурлаштириш шароитида ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлашда давлатнинг аҳамияти ва зарурлиги тўғрисида Тингловчилар тасаввурга эга бўладилар.</li> <li>• Иқтисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифалари ва бозор муносабатларига давлатнинг аралашувининг зарурлиги тўғрисида Тингловчилар билим кўникмаларга эга бўладилар.</li> </ul>                 |
| Ўқиш усуллари ва техника   | Маъруза, ақлий хужум, блиц-сўров, диаграмма   |
| Ўқитиш воситалари  | Маъруза матнлари, компьютер технологияси, графиклардан фойдаланиш.  |
| Ўқитиш шакллари  | Жамоа бўлиб ишлаш, гуруҳларда ишлаш   |
| Ўқитиш шарт-шароитлари   | Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари қуллаш мумкин бўлган аудитория   |
| Мониторинг ва баҳолаш  | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш   |


### Маърузани технологик картаси

| Иш<br>жара-<br>ёнлари                 | Фаолият мазмуни   |   |
|---------------------------------------|---|---|
|                                       | Ўқитувчи  | Тингловчи   |
| 1-<br>босқич.<br>Кириш<br>(20 мин.)   | <p>1.1.Ўқув курси номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Курс бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради. Фаннинг мазмуни ва ҳозирги ундаги ислохотларнинг долзарблиги билан таништиради.(1-илова)</p> <p>1.2.Курсни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.</p> <p>1.3.Биринчи ўқув машғулоти мавзу билан таништиради ва унинг мақсади ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.</p> <p>1.4.Биринчи мавзу юзасида ақлий хужум қондаси асосида доскага «Давлат молиясини бошқариш фани нима?» деб ёзади. Тингловчилар томонидан айtilган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштирилади(2-илова)</p>                     | <p>1.1.Тинглайдилар</p> <p>1.2.ЎУМга қарайдилар</p> <p>1.3.Мавзу номини ёзиб оладилар</p> <p>1.4.Тушунчаларини эркин фикр орқали билдирадилар</p>   |
| 2-<br>босқич.<br>Асосий<br>(50 мин.)  | <p>2.1.Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.</p> <p>2.2.Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади. (3-илова).</p> <p>2.3.Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун саволлар беради:<br/>а) Давлат молиясини бошқариш фанининг аҳамияти ва иқтисодий фанлар тизимидаги ўрни ва аҳамиятини айтиб беринг?<br/>б) Иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш ва ислохотларни чуқурлаштириш шароитида ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлашда давлатнинг аҳамияти ва зарурлигини тушутириб беринг.<br/>в) Иқтисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифаларини тушунтириб беринг.</p> <p>2.4.Таянч ибораларига Тингловчиларни диққатини қаратади ва улар яна бир такрорланади.</p> | <p>2.1.Тинглайдилар</p> <p>2.2. Тинглайдилар, слайдларга эътибор қаратади, ёзиб олади ва саволлар беради</p> <p>2.3. Саволларга жавоб бердилар</p> <p>2.4.Таянч ибораларини муҳокама қиладилар ва ёзиб оладилар</p> |
| 3-<br>босқич.<br>Яқуний.<br>(10 мин.) | <p>3.1.Ўтилган машғулоти бўйича яқунловчи хулоса қилади.</p> <p>3.2.Мустақил тайёргарлик учун уйга вазифа берилади. Бунда дарслик ва бошқа адабиётлар, материаллардан Давлат молиясини бошқариш фани ва унинг аҳамиятини тушуниб келиш топширилади.</p> <p>3.3.Тингловчиларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатланади.</p> <p>3.4.Келгуси машғулоти тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.</p>  | <p>3.1.Тингловчилар эшитадилар,ёзиб оладилар.</p> <p>3.2.Топшириқ оладилар</p> <p>3.3.Эшитадилар</p> <p>3.4.Эшитади ва ЎУМга қарайдилар</p>   |



2-слайд.






**2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Қаримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади” номли маърузасида давлат молиясига онд маъжуд муаммолар ва давлат молиясини ислох қилиш йўналишлари.**

“2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади” маърузидаги маърузасида ҳам давлатимиз раҳбари “саъсийлик” ва “йиғирмалик” деб аталган мамлакатлар гуруҳлари доирасида қабул қилинаётган қарорларга қарамасдан, энг аввало, жаҳон молия-валюта тизимида интироз келтириб чиқараётган муаммоларни ҳал этиш ва керакли назорат ўрнатиш бўйича ягона иқтисодий модель қанузгача ишлаб чиқилмаганини, бу эса жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган йирик давлатларни ўз манфаатларини ўйлаб, ўз билганича қаракат қилишга маъжур этаётганини қаттиқ танқид қилиб ўтди.


Ўтган давр мобайнида аҳолини яқшилатиш мақсадида қўрилаётган барча чоратадбирларга қарамасдан, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилаётгани ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсда рецессия ҳолатига, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкинлиги башорат қилинаётган ушбу маърузада алоҳида қайд этилди.

### Инқирознинг иккинчи тўлкинини келтириб чиқарувчи омилар

- Ҳақиқатан ҳам, 2011 йил инқирознинг иккинчи тўлкини бошланиши эҳтимоли билан боғлиқ бозор ваҳималарининг қайтадан кучайиш даври бўлди.
- Евро ҳудуддаги қарздорлик инқирози чуқурлашиб, унинг банк тизими ва иқтисодиётнинг реал секторига тарқалиши кузатилди.
- Европа сиёсатчилари яқин бир қарорга келишда сустлашди ва лаёқатсизликни намоён этишда давом этдилар.
- Инвесторлар қарздорлик муаммоларини тартибга солиш музминлигига, банкларнинг барқарорлигига ва Европа иқтисодиётининг истиқболларига нисбатан ишонччи йўқота бошлади.
- Ликвид маблағлар бозоридаги танглик ўсиб, борган сари янги мамлакатлар “муаммоли”лар каторига қўшила бошлади.



**Айрим мамлакатларда 2011 йил якунида давлат бюджети тақчиллиги даражаси.**



**Ривожланган мамлакатларда ташқи қарз даражаси  
(2011 йил 30 июндаги ҳолати)**

| Мамлакат        | Ташқи қарз, миллион АҚШ долл. | Аҳоли жон бошига ташқи қарз миқдори, АҚШ долл. | ЯИМга нисбатан ташқи қарз, фоиз |
|-----------------|-------------------------------|--|---------------------------------|
| Европа Иттифоқи | 16080000                      | 32092  | 108                             |
| АҚШ*            | 15033607                      | 50000  | 100                             |
| Буюк Британия   | 9836000                       | 147060   | 416                             |
| Германия        | 5624000                       | 63493  | 159                             |
| Франция         | 5639000                       | 74410  | 188                             |
| Япония          | 2719000                       | 19300  | 57                              |
| Испания         | 2570000                       | 52588  | 165                             |
| Италия          | 2684000                       | 39234  | 101                             |
| Ирландия        | 2357000                       | 482340   | 1307,6                          |



### 3. “Мустақкам оила йили” Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар.


Мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва таъминлаштириш бўйича янги қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаб ва эҳтиёқлари ақс этиши лозимлигини, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритишга алоқидани, мазкур масалага жамиятнинг алоқидани эътиборини янада кучайтириш кўзда тутишга алоқидани таъкидлаш керак.



Мустақкам оила қуриш, фаровон ва бахтли турмушта эришиш, авваламбор оила қурадиган ёшларнинг ўзини, уларнинг ақл-заковати, оила, жамият ва давлат олдидаги ўз масъулият ва бурчини чуқур англашига боғлиқ. Лекин юксак озу-умидлар билан кенг ҳаётга эндигина қадам қўяётган *ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш*, уларга имтиёз ва имкониятлар яратиш бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш учун биринчи га алда давлат ва жамият масъулдир.


Оила мустақкамлигини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида, “ҳақиқий демократия дарсониси”, “халқ виқдони” сифатида эътироф этиладиган маҳалла тизимининг ўрни бекиёсдир. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта “маҳалла” тушунчаси Конституциямига киритилди. Маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва макрми қатъий белгилаб қўйилди. Қабул қилинган “Мустақкам оила йили” Давлат дастурида маҳалланинг жамиятимиздаги, қундалик ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенгайтириш, унинг нуфузи ва обрў-эътиборини янада ошириш масалаларига алоқидани аҳамият берилади.

Каримов И.А. Юксак ақлнинг – энгилмас куч. – Т: “Мамлакат”, 2009. – 59-бет.

Каримов И.А. Ўшанинг йўналиши — демократик ислоқотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини энгил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йилига бағишланган тантанали маросимда қилган азеъручаси. – “Халқ оғни” газетаси, 2011 йил 3 декабрь.







**Ислоҳотлар натижалари**

| Кўрсаткичлар  | 1990 йил | 2000 йил | 2009 йил |
|---|----------|----------|----------|
| Фуқароларнинг саводлилик даражаси (%да)                   | 96,4     | 97,4     | 99,3     |
| Ўртача умр кўриш даражаси (ёш)                            | 67,2     | 70,8     | 72,9     |
| Аёллар ўртача умр кўриш даражаси (ёш)                     | 70,1     | 73,2     | 75,2     |
| Эркаклар ўртача умр кўриш даражаси (ёш)                   | 65,8     | 68,4     | 70,6     |
| 5-ёшгача болалар ўлими (1000 тадан)                       | 47,9     | 28,5     | 15,9     |
| Чақалоқлар ўлими (1000 тадан)                             | 34,6     | 18,9     | 11,7     |
| Оналар ўлими (100000 тадан)                               | 65,3     | 33,1     | 30,4     |
| Тиф (терлама) билан касалланиш (100000 кишидан)           | 12,4     | 0,8      | 0,2      |
| Вирусли гепатит (сарик) билан касалланиш (100000 кишидан) | 856      | 235      | 135      |
| Қизамиқ билан касалланиш (100000 кишидан)                 | 19,3     | 0,3      | 0        |

**4. Иқтисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифалари.**

**2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади**

«2012 йилнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирганда, жорий йилда Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг кўрсаткичлари, аввало, юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлаш лозим».

**И.А. Каримов**

**Макроиқтисодий барқарорликнинг асосий белгилари:**

Даромадлар тақсимланиши муаммоси

Иқтисодий ўсиш

Тўла бандлик

Тўла бандлик

Ички нархларнинг барқарорлиги (инфляция)

Меъёردаги бюджет тақчиллиги

Барқарор тўлов баланси

Хорижий валюталарга алмашув курсининг барқарорлиги

## Даромадларнинг тақсимланиш даражаси

*Жини коэффиценти ёрдамида баҳоланади ва у  $0 \leq K_x \leq 1$  оралиқда бўлади.*


1. Жини коэффиценти 0 га тенг бўлганда даромадлар аҳоли орасида тенга-тенг тақсимланади.

2. Жини коэффиценти 1 га тенг бўлганда барча даромадлар битта шахс тасаруфида бўлади.

Бу ҳолатлар гипотетик ҳолатлар бўлиб, фақат назариядагина мавжуд.

## Даромадлар тақсимланиши (Жини графиги)

Даромад (%)



«Ақлий хужум»нинг асосий қоидалари:

- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан ўзок ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йули билан ёзиб олинади;
- «Хужум»ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

## 1.2. Амалий машғулотни ўқитиш технологияси

|   |  |
|---|--|
| Тингловчилар сони: 20   | 2 соат   |
| Ўқув машғулотининг шакли  | Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот  |
| Машғулот режаси   | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. “Давлат молиясини бошқариш” фанининг предмети, мазмуни, вазифалари ва бошқа махсус фанлар билан боғлиқлиги.</li> <li>2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузасида давлат молиясга оид мавжуд масалалар ва давлат молиясини ислоҳ қилиш йўналишлари.</li> <li>3. “Мустақкам оила йили” Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар.</li> <li>4. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлашда давлатнинг аҳамияти ва зарурлиги.</li> <li>5. Иқтисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифалари.</li> </ol> |
| Ўқув машғулотининг мақсади:   | Тингловчиларнинг иқтисодий муносабатлар тизимида давлатнинг роли ва «Давлат молиясини бошқариш» фанининг предмети ва мазмуни бўйича билимларини мустаққалаш ва чуқурлаштириш.  |
| <p><i>Педагогик вазифа:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратади.</li> <li>• Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустаққамлашга ёрдам беради.</li> <li>• Кичик гуруҳларда ишлашни ташкил қилади.</li> <li>• Ўз нуқтаи назарга эга бўлишни шакллантиради.</li> <li>• Мантиқий хулоса чиқаришга кўмак беради.</li> </ul> | <p><i>Ўқув фаолияти натижаси:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Давлат молиясини бошқариш фанининг аҳамияти ва иқтисодий фанлар тизимидаги ўрни ва аҳамияти таништиради ва изоҳ беради.</li> <li>• Иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлашда давлатнинг аҳамияти ва зарурлиги тўғрисида Тингловчилар тасаввурга эга бўладилар.</li> <li>• Иқтисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифалари ва бозор муносабатларига давлатнинг аралашувининг зарурлиги тўғрисида Тингловчилар билим кўникмаларга эга бўладилар.</li> </ul>  |
| Ўқитиш усуллари ва техника  | Амалий машғулот, «жамоа бўлиб ишлаш» усули;  |
| Ўқитиш воситалари   | Маъруза матни, дарслик, компьютер технологияси, эксперт варақлари, графиклардан фойдаланиш.  |
| Ўқитиш шакллари   | Гуруҳларда ишлаш усули.  |
| Ўқитиш шарт-шароити   | Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.  |
| Мониторинг ва баҳолаш   | Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз – ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.   |




**Амалий машғулот ўтиш технологик картаси**

| Иш жараёнлари вақти                       | Фаолиятнинг мазмуни   |  |
|---|---|--|
|   | Ўқитувчи  | Тингловчи  |
| I-босқич.<br>Мавзуга кириш.<br>(10 минут) | 1.1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. Таълим жараёни «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади(1-илова).  | Тинглайдилар.<br>ЎУМ га қарайдилар.  |
|   | 1.2. «Нима учун» техникасидан фойдаланилган ҳолда Тингловчиларга, «Нима учун Давлат молиясини бошқариш фани ҳозирги кунда энг долзарб фанлардан ҳисобланади?» деган савол билан мурожаат қилади. Бажарилган ишларни кўздан кечириб хулосалайди (2-илова). | Ўз фикрларини эркин билдирадилар.<br>Органайзерни тўлдирадилар.  |
|   | 1.3. Тингловчиларнинг фикрини умумлаштириб, уларни 3-4 та кичик гуруҳларга бўлади.  | Интерфаол усуллардан фойдаланилган ҳолда кичик гуруҳларга бўлинади.  |
|   | 1.4. Тингловчиларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (3-илова).   | ЎУМ га қарайдилар.   |
|   | 1.5. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади (4-илова).  | Топшириқлар ус-тида ишлайдилар.  |
| II-босқич.<br>Асосий<br>(60 минут)        | 2.1. Гуруҳларга топшириқларни бажариши учун ёрдам беради. Уларни баҳолаш мезонлари билан таништиради. Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.   | Фаол катнашадилар.   |
|   | 2.2. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини ватман-қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди.        | Жамоа бўлиб ба-жарилган ишнинг тақдимотини ўтказадилар, баҳсмунозара юрита-дилар, қўшимча-лар қиладилар, хулоса чиқарадилар. Баҳолайдилар. |
|   | 2.3. Гуруҳларга «Муаммоли вазият» услубидан фойдаланилган ҳолда «Нима учун Давлат бюджети фани асосий фанлар сифатида қаралади?» деб савол билан мурожаат қилади (5-илова).   | Мустақил бажа-радилар.<br>Эркин фикрларини намоён этган ҳолда жадвал-ни тўлдиради.   |
|   | 2.4. Ҳар бир гуруҳ топшириқларни ватман-қоғозларга тушириб, тақдимотини ўт-казишда ёрдам беради. Ягона хулоса чи-қаришга кўмак беради ва ниҳоясида умумлаштиради.   | Тақдимот ўтказа-ди.<br>Ғолиб гуруҳ-ларни аниқлаб, баҳолайди.   |
| III-босқич.<br>Якуний<br>(10 минут)       | 3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол Тингловчиларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.   | Эшитади.<br>Аниқлайди.   |
|   | 3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради: «Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Давлат бюджетининг ривожланиши» мавзусида эссе ёзиб келинг.   | ЎУМ га қарайдилар.   |

Кичик гуруҳларда ишлаш қоидаси

1. Тингловчилар ишни бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдида қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тайзиққа учрамаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқотда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.

«Нима учун?» техникаси



Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

| Гуруҳлар | Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл | Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл | Гуруҳ аъзоларининг фаоллигини 0-5 балл | Жами балл |
|----------|--|--|--|-----------|
|          |  |  |  |           |
|          |  |  |  |           |
|          |  |  |  |           |

- 15 – 13 балл – «аъло».
- 12 – 10 балл – «яхши».
- 9 – 6 балл – «қониқарли».

### Эксперт қоғозлари - топшириқлар

1-гуруҳ

Иқтисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифалари нималардан иборат?

2-гуруҳ

“Давлат молиясини бошқариш” фанининг предмети, мазмуни, вазифалари ва бошқа махсус фанлар билан боғлиқлиги нималардан иборат(аниқ мисоллар келтиринг).

3-гуруҳ

Иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш ва ислохотларни чуқурлаштириш шароитида ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлашда давлатнинг аҳамияти ва зарурлиги нималардан иборат?

4-гуруҳ

Иқтисодий муносабатлар тизимида давлатнинг роли қандай? (аниқ мисоллар келтиринг).

### «Муаммоли вазият»

| «Муаммоли вазият»<br>тури   | «Муаммоли вазият»<br>сабаблари | Вазиятдан чиқиб кетиш<br>харакатлари |
|---|--------------------------------|--------------------------------------|
| Нима учун Давлат молиясини бошқариш фани асосий фанлар сифатида қаралади? |                                |                                      |

## 2.1. Маърузани ўқитиш технологияси

|   |   |
|---|---|
| Тингловчилар сони: 20   | 2 соат.   |
| Ўқув машғулотивнинг шакли   | Тематик инфомацион маъруза  |
| Маъруза режаси  | 1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.<br>2. Давлат молиясининг бўғинлари.<br>3. Молиявий сиёсат ва замонавий шароитларда унинг устувор йўналишлари.  |
| Ўқув машғулотивнинг мақсади   | Бозор иқтисодиёти шароитида давлат молиясининг аҳамияти тўғрисидаги билимларга эга бўлиш.   |
| <p><i>Педогогик вазифалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти ёритиб берилади.</li> <li>• Давлат молиясининг бўғинлари тушунтирилади.</li> <li>• Бозор шароитида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад қийматини давлат молияси бўғинлари ўртасида тақсимланиш нисбатларининг ўзгариши ёритиб берилади.</li> <li>• Ҳозирги замон иқтисодиётида давлат молиявий фаолиятининг асосий йўналишлари назарий ва амалий материаллар асосида ёритиб берилади.</li> </ul> | <p><i>Ўқув фаолиятининг натижаси:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти тўғрисида талабларда билим кўникмалари хосил қилинади.</li> <li>• Давлат молиясининг бўғинлари ва уларнинг давлат молияси тизимидаги тутгар ўрни тўғрисида кўникмаларга эга бўлинади ва улар Тингловчилар томонидан тушунтирилади.</li> <li>• Бозор шароитида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад қийматини давлат молияси бўғинлари ўртасида тақсимланиш нисбатлари тўғрисида маълумотга эга бўлинади.</li> <li>• Ҳозирги замон иқтисодиётида давлат молиявий фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида тасаввурга эга бўлинади.</li> </ul> |
| Ўқитиш усуллари ва техника  | Маъруза, блиц-сўров усуллари, Т-схема;  |
| Ўқитиш воситалари   | Маъруза матни, компьютер технологияси, эксперт варақлари, графиклардан фойдаланиш.  |
| Ўқитиш шакллари   | «Жамоа бўлиб ишлаш», туғри йўналтирилган ва гуруҳларда ишлаш усуллари.  |
| Ўқитиш шарт-шароитлари  | Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари қўллаш мумкин бўлган аудитория.  |
| Мониторинг ва баҳолаш   | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш   |

### Маърузани технологик картаси

| Иш<br>жараёнлари                          | Фаолият  |  |
|---|--|--|
|   | Ўқитувчи   | Тингловчи  |
| 1 босқич<br>Кириш.<br>(10 мин.)           | <p>1.1.Маърузанинг мавзусини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради.</p> <p>1.2.Машғулотни утказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. (1- илова).</p> <p>1.3.Ҳар бир Тингловчига мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади.</p> <p>1.4.Мавзу бўйича маъруза машғулотининг таянч ибораларини ва маъруза режасига изоҳ беради.</p>   | <p>1.1.Эшитадилар, ёзадилар</p> <p>1.2.Эшитадилар, ёзиб оладилар</p> <p>1.3.ЎУМга қарайдилар</p> <p>1.4.Эшитадилар</p>   |
| 2 босқич<br>Асосий.<br>(60 мин.)          | <p>2.1.Қуйидаги саволларга ўйлаб жавоб беришларини сўрайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ЯИМ, МД нима ва унинг ҳисобига ҳосил қилинадиган пул фондлари қандай?</li> <li>- Давлат молия тизимининг марказий бўғини нима ҳисобланади?</li> <li>- Марказлаштирилган пул фондлари турлари нималардан иборат?</li> </ul> <p>2.2. Давлат молиясининг бўғинлари тушунтирилади. (2-илова)</p> <p>2.3. Бозор шароитида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад қийматини давлат молияси бўғинлари ўртасида тақсимланиш нисбатларининг ўзгариши тушунтирилади.</p> <p>2.3.Тингловчилар Т-схема ишлаб чиқади. (3-илова)</p> <p>2.4.Тингловчиларга эркин фикр айтишга руҳсат берилади ва уларни рағбатлантиради.</p> <p>2.5.Презентация бошланиши тўғрисида эълон қилади. Маслаҳатчи сифатида қатнашади изоҳ беради, аниқлаштиради ва ўзгартишлар киритади.</p> <p>2.6. Тингловчиларнинг эътиборини ушбу мавзудаги масаланинг мазмунига қаратади.</p> | <p>2.1.Саволларга жавоб беришадилар</p> <p>2.2.Тинглайдилар ва муносабат билдирадилар</p> <p>2.3.Т-схемасини бажарадилар</p> <p>2.4.Фикрларини айтиб берадилар</p> <p>2.5.Такдимотда қатнашадилар</p> <p>2.6.Хулоса қисмида қатнашадилар</p> |
| 3 босқич<br>Якуний<br>босқич (10<br>мин.) | <p>3.1.Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади.</p> <p>3.2.Гуруҳларга ўзаро баҳолаш натижасини эълон қилишларини сўрайди. Натижаларга изоҳ беради.</p> <p>3.3.Мустақил бажариш учун топшириқ беради:</p> <p>1. Назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (4-илова)</p> <p>2. Навбатдаги амалий машғулотда кўриладиган масалани эълон қилади ва мустақил тайёргарлик кўришларини сўрайди: берилган рўйхат бўйича тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш.</p>   | <p>3.1.Гуруҳлар ўзаро баҳолаш натижаларини эълон қилишади.</p> <p>3.2.Эшитадилар.</p> <p>3.3.Мустақил ишлаш учун топшириқни ёзиб олишади.</p>  |

## Маъруза машғулоту бўйича рейтинг:

1 балл - «аъло»

0,8 балл – «яхши»

0,7 балл – «қониқарли»

## Ўқув визуал метариаллар

**1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.**

Марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш борасидаги шакл ва усуллар мажмуаси ҳамда унда иштирок этувчи молиявий муассасаларга молия тизими дейилади.

1. Ж.Ван Хорн : Молия тизими - давлат, фирмалар ва фуқароларга турли хил хизматлар кўрсатувчи молиявий муассасалар ва бозорларнинг мажмуаси.
2. Л.Дробозина : «Молия тизими - пул маблағлари фондини ташкил қилиш ва фойдаланиш жараёнидаги молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини мажмуасидан иборат.
3. Г.Поляк: молия тизими - давлат, хўжалик субъектлари ва уй хўжаликларининг пул маблағлари фондини турли хил усуллар ва шаклларда тақсимлаш жараёнидаги турли молиявий муносабатлар мажмуаси.
4. В.Ковалева: молия тизими- ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг субъектлари ўртасида жами ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш бўйича пул муносабатларни ташкил қилиш шакли.


**Молия ҳақидаги фаннинг ривожланиши ва тараққиёти**

Биринчи босқич, Рим империяси давридан бошлаб 20 аср ўрталаригача бўлган давр ҳисобланиб, бу давр мобанийда молиянинг классик назарияси шакллантирилган.

Иккинчи босқич, неоклассик молиявий назария.

Молиянинг неоклассик назарияси 4 асосий тезисга асосланади:

- давлатнинг иқтисодий қудрати, унинг молия тизимини барқарорлиги хусусий секторнинг иқтисодий қудратини сезиларли даражадалиги билан белгитанали;
- давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кискартирилиб, иқтисодиётдаги тадбиркорлик фаолияти эркинлаштирилади;
- корпоратив бизнес ривожланиш имкониятларини белгитаб берувчи уларни молиялаштириш манбалари таркибида фойда ва капиталлар бозори ушвор аҳамият касб этади;
- капиталлар, товарлар, меҳнат бозорларининг байналминаллашуви алоҳида мамлакатларнинг молия тизимини интеграцион жараёнларга интилиб бориш тенденциясини шакллантиради.






**Давлат молияси- ЯИМ ва Миллий даромадни тақсимланиши жараёнида давлат ихтиёрида марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлардир.**

## **2. Давлат молиясининг бўғинлари.**









Бюджет-солиқ (Фискал) сиёсати- тўлиқ бандлик ва ЯИМни инфляцион ишлаб чиқарилишини таъминлашга йўнатирилган, давлат харажатлари ва солиқларни ўзгартириш бўйича ҳукумат тadbирлари мажмуасидир

**Дискрецион** фискал сиёсатда пасайиш даврида ялпи талабни рағбатлантириш мақсадида давлат харажатларини кўпайтиришни ёки солиқларни камайтириш орқали бюджет тақчиллиги келиб чиқади.


**Нодискрецион** фискал сиёсат циклик ўсиш фазасида автоматик равишда бюджетга соф солиқ тушумларини кўпайтиришни кўзда тутаяди.

**Бюджет сиёсати** - давлат ҳокимияти органлари томонидан ўтказиладиган тadbирлар ва ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, у:

- бюджет тизимини бошқаришда ва уларни ўз вазифаларини бажаришлари учун молиявий муносабатлардан фойдаланишлари бўйича молия бюджет соҳасидаги мақсад ва вазифаларни аниқлашни кўзда тутаяди;

- бюджет тизимини бошқаришда ва уларни ўз вазифаларини бажаришлари учун молиявий муносабатлардан фойдаланишлари бўйича молия бюджет соҳасидаги мақсад ва вазифаларни аниқлашни кўзда тутаяди;

- бюджет тизимида молия бюджет инструментлари ёрдамида иқтисодий ва иқтимоий жарayнларини тартибга солишни таъмин этади.



## 3-илова

## «Т - схема» техникаси

- бу технология мураккаб, куп тармоқли, мумкин қадар муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган; бунда уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, бир ғоянинг икки томони, фойда ва зарарлари;

- танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлаш муваффақияти ривожлантиришига ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, химоя қилишга имкон яратади;

- маъруза якунида қулланилади.

Т-схема қонун-қоидалари Билан танишиб чиқади. Якка таркибда ёки жуфт-жуфт бўлиб Т-схемани тўлдиради

Ўз ғояларини ёзма равишда унг ва чап тарафларида ёзиб чиқадилар. Ғоялар қарама-қарши бўлиши мумкин.

Схемадаги ғоялар таққосланиши ва якка тартибда, жуфт-жуфт ҳолда ёки кичик гуруҳларда тулдирилиши мумкин.

Ҳар бир тингловчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлқ баён этиши мумкин.

**Т-схемадан фойдаланиб Давлат молияси тушунчасининг  
тўғриси езиб чиқинг**

1. Марказлашган пул фондлари;
2. Марказлашмаган пул фондлари;
3. Давлатнинг молиявий режаси;
4. Пул маблағлари йиғиндиси;
5. Давлат молиявий ресурслари.
6. Даромадлар йиғиндиси.

**Давлат молияси тушунчаси.**

| Тўғриси | Нотўғриси |
|---------|-----------|
| 1.      | 1.        |
| 2.      | 2.        |
| 3.      | 3.        |

**4-илова**

• Мустақил ишлаш учун назорат саволлар:

1. Давлат молиясининг иқтисодий мазмуни.
2. Бозор шароитида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад қийматини давлат молияси бўғинлари ўртасида тақсимланиш нисбатларининг ўзгариши.
3. Ҳозирги замон иқтисодиётида давлат молиявий фаолиятининг асосий йўналишлари.

## 2.2. Амалий машғулоти ўқитиш технологияси

|   |   |
|---|---|
| Тингловчилар сони: 25 та  | 2 соат.   |
| Ўқув машғулоти шакли  | Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган амалий машғулоти.   |
| Машғулоти режаси.   | 1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.<br>2. Давлат молиясининг бўғинлари.<br>3. Молиявий сиёсат ва замонавий шароитларда унинг устувор йўналишлари.  |
| Ўқув машғулоти мақсади:   | Тингловчиларнинг бозор иқтисодиёти шароитида давлат молиясининг аҳамияти тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.   |
| <p><i>Педогогик вазифалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Мавзунини мустиақил ўрганиш учун асос яратади.</li> <li>• Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.</li> <li>• Кичик гуруҳларда ишлашни ташкил қилади.</li> <li>• Ўз нуқтаи назарга эга бўлишни шакллантиради.</li> </ul> <p>Мантиқий хулоса чиқаришга кумак беради</p> | <p><i>Ўқув фаолияти натижаси:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти тўғрисида талабларда билим кўникмалари ҳосил қилинади;</li> <li>• давлат молиясининг бўғинлари ва уларнинг давлат молияси тизимидаги тутгар ўрни тўғрисида кўникмаларга эга бўлинади ва улар Тингловчилар томонидан тушунтирила олинади;</li> <li>• бозор шароитида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад қийматини давлат молияси бўғинлари ўртасида тақсимланиш нисбатлари тўғрисида маълумотга эга бўлинади;</li> <li>• ҳозирги замон иқтисодиётида давлат молиявий фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида тасаввурга эга бўлинади.</li> </ul> |
| Ўқитиш воситалари ва техника  | Маъруза матни, дарслик, компьютер технологияси, эксперт варақлари, графиклардан фойдаланиш.   |
| Ўқитиш усуллари   | Амалий машғулоти, бир-биридан ўрганиш усули;  |
| Ўқитиш шакллари   | Гуруҳларда ва «жамоа бўлиб ишлаш» усули.  |
| Ўқитиш шарт-шароитлари  | Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.   |
| Мониторинг ва баҳолаш   | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш   |

## Амалий машғулотни ўқитиш технологик картаси

| Иш жараёнлари                             | Фаолият мазмуни:   |  |
|---|--|--|
|   | Ўқитувчи   | Тингловчи  |
| 1-босқич<br>Кириш.<br>(10 мин.)           | 1.1.Ўқув машғулотининг мавзусини, мавсадини, ўтказиш тартибини ва натижасини эълон қилади.<br>1.2.Давлат молиясининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти саволи бўйича фаоллаштириш мақсадида савол-жавоб ўтказди. (1-илова)  | 1.1.Эшитадилар, ёзадилар<br><br>1.2.Савол-жавобда катнашадилар   |
| 2-босқич<br>Асосий<br>(60 мин.)           | 2.1.Тингловчиларга мавзу бўйича берилган докладларни тақдимоти.<br>Мавзулар:<br>1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.<br>2. Давлат молиясининг бўғинлари.<br>3. Бозор шароитида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад қийматини давлат молияси бўғинлари ўртасида тақсимланиш нисбатларининг ўзгариши.<br>• Ҳозирги замон иқтисодиётида давлат молиявий фаолиятининг асосий йўналишлари. | 2.1.Тингловчиларни тайёрлаб келган доклади тингланади ва муносабат билдирилади.  |
| 3-босқич<br>Якуний<br>босқич<br>(10 мин.) | 3.1.Мавзуда қўйилган саволлар ва уларни ҳал қилинганлиги бўйича ўқитувчи яқун ясайди (хулоса қилади).<br>3.2.Келгуси мавзу эълон қилинади ва унга тайёргарлик куриш учун мустақил ишлаш лозимлиги тушунтирилади.<br>• 3.3.Мавзуни қандай ўзлаштирилганлигини билиш мақсадида тест-назоратини ўтказди. (2-илова)  | 3.1.Эшитишадилар ва ёзиб олишадилар<br><br>3.2.Мустақил иш мавзуларини ёзиб олади<br><br>3.3.Тест назорати саволларига жавоб беришадилар |

### 1-илова

| Савол – жавоб учун саволлар рўйхати   |
|---|
| <ol style="list-style-type: none"> <li>1. ЯИМ ва МДни тақсимланишида давлат молиясининг аҳамияти қандай?</li> <li>2. Давлат молияси- деганда нимани тушунади?</li> <li>3. Давлат молиясининг қандай бўғинлари мавжуд?</li> <li>4. Нима учун давлат бюджети давлат молиясининг етакчи бўғинини ташкил қилади?</li> </ol> |

## Назорат тестлари

### 1. Бюджет деганда нимани тушунаси?

- А). ЯИМни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ пул муносабатларидир.
- Б). Бюджет фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ императив пул муносабатлари тизимидир.
- В). Бюджет даромадларини шакллантириш билан боғлиқ императив пул муносабатларидир.
- Г). Бюджет ҳаражатларини шакллантириш билан боғли муносабатлар.
- Д). Давлат даромадларини шакллантириш ва давлат ҳаражатларини шакллантириш билан боғлиқ пул муносабатлари тизимидир.

### 2. Иқтисодий категория сифатида бюджетнинг функциялари?.

- А). Тақсимлаш ва назорат.
- Б). Фискал ва иқтисодий рағбатлантириш.
- В). Бюджет фондини шакллантириш, бюджет фондидан фойдаланиш ва назорат.
- Г). Бюджет фондини шакллантириш, бюджет фондидан фойдаланиш, назорат ва тақсимлаш.
- Д). Риск, огоҳлантириш ва назорат.

### 3. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими тўғрисидаги қонуни қачон қабул қилинган?

- А). 1999йил 14- декабр
- Б). 2000йил 14- декабр
- В). 1997йил 14- декабр.
- Г). 2001йил 14- декабр.
- Д). 1998йил 14- декабр.

### 4. Давлатнинг ижтимоий - иқтисодий функциясини бажаришни молиялаштириш нуқтаи назаридан бюджет ҳаражатлари қандай таснифланади?

- А). Жорий ва капитал ҳаражатлар.
- Б). Ижтимоий, иқтисодий, муҳофаа ва бошқарув ҳаражатлари.
- В). Республика ва маҳаллий бюджет ҳаражатлари.
- Г). Саноат, қишлоқ хужалиги, қурилиш, ижтимоий таъминот ҳаражатлари

### 5. Бюджет тақчиллиги нима?

- А). Бюджет тақчиллиги- муайян даврда бюджет ҳаражатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси.
- Б). Бюджет тақчиллиги - бюджет даромадларининг ҳаражатларидан ортиқ бўлган суммаси.
- В). Бюджет тақчиллиги - бюджетнинг ташқи қарзларни қайтара олиш имкониятининг йўқлиги.
- Г). Бюджет тақчиллиги-бюджет даромадларининг бюджет ҳаражатлари билан муофиқлиги.
- Д). Бюджет тақчиллиги-маҳаллий бюджет даромадлари мувозатаниниг йўқолиши.

### 6. Бюджет профицити нима?

- А). Муайян даврда бюджет даромадларининг ҳаражатларни қоплаш имкониятининг йўқлиги.
- Б). Муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет ҳаражатларидан ортиқ бўлган суммаси.
- В). Муайян даврда бюджетнинг ижтимоий соҳа ҳаражатларини қоплаш имкониятининг йўқолиши.
- Г). Бюджет ҳаражатларини қисқартириш билан боғлиқ жараён.
- Д). Бюджетнинг солиқ тушумлари самарадорлигини пасайиши билан боғлиқ жараён.

### 7. Ўтказиш вақтига қараб бюджет назорати қандай турларга ажратилади?

- А). Дастлабки ва сўнги назорат.



- Б). Жорий ва режалаштирилган назорат.
- В). Жорий,режалаштирилган ва аудиторлик назорати.
- Г). Дастлабки, жорий ва сўнги назорат.

**8.Бюджет назоратининг асосий усуллари тўлиқ ва тўғри кўрсатилганини аниқланг.**

- А). Солиқ назорати, божхона назорати, молиявий назорат.
- Б). Хужжатли текшириш, камерал текшириш,кузатиш,иқтисодий таҳлил, тафтиш
- В). Хужжатли текшириш, кузатиш, камерал текшириш , аудиторлик назорати.
- Г). Кузатиш, иқтисодий таҳлил ва молиявий таҳлил
- Д). Ҳаммаси тўғри жавоб.

|          |   |
|----------|---|
| 3- мавзу | <b>Жамланма бюджетнинг моҳияти ва уни ташкил этишнинг зарурлиги</b> |
|----------|---|

### 3.1. Амалий машғулотни ўқитиш технологияси

|   |   |
|---|---|
| Тингловчилар сони: 25 та  | 2 соат.   |
| Ўқув машғулотининг шакли  | Билимларни чуқурлаштириш ва мустақамлашга қаратилган амалий машғулот.   |
| Машғулот режаси.  | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўзбекистон Республикаси бюджет Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида Республика бюджетининг тутган ўрни ва аҳамияти</li> <li>2. Республика бюджетининг даромад ва харажатлари</li> <li>3. Маҳаллий бюджетлар даромад ва харажатлари таркиби ва тузилиши.</li> </ol>   |
| Ўқув машғулотининг мақсади:   | Тингловчиларнинг Давлат бюджетини ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти тўғрисидаги билимларини мустақамлаш ва чуқурлаштириш.  |
| <p>Педогогик вазифалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Мавзунини мустиақил ўрганиш учун асос яратади.</li> <li>• Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустақамлашга ёрдам беради.</li> <li>• Кичик гуруҳларда ишлашни ташкил қилади.</li> <li>• Ўз нуқтаи назарга эга бўлишни шакллантиради. Мантиқий хулоса чиқаришга кумак беради.</li> </ul> | <p>Ўқув фаолияти натижаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Давлат бюджетининг ижтимоий - иқтисодий мазмунини ва уни вужудга келишининг объектив иқтисодий шарт - шароитларини ёритиб бера олади.</li> <li>• Бозор иқтисодиёти шароитида бюджет муносабатларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беради.</li> <li>• Давлат бюджетининг функциялари ёритиб бера олади.</li> <li>• Давлат бюджетининг умумий молиявий муносабатлар таркибидаги ўрни ва аҳамиятини ёритиб беради.</li> <li>• Бюджетнинг мамлакат молия тизимининг бошқа бўғинлари билан ўзаро муносабатларини тушинтириб бера олади</li> </ul> |
| Ўқитиш воситалари ва техника  | Маъруза матни, дарслик, компьютер технологияси, эксперт варақлари, графиклардан фойдаланиш.   |
| Ўқитиш усуллари   | Амалий машғулот, бир-биридан ўрганиш усули;   |
| Ўқитиш шакллари   | Гуруҳларда ва «жамоа бўлиб ишлаш» усули.  |
| Ўқитиш шарт-шароитлари  | Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.   |
| Мониторинг ва баҳолаш   | Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш   |

## Амалий машғулотни ўқитиш технологик картаси

| Иш жараёнлари                          | Фаолият мазмуни:  |   |
|--|---|---|
|  | Ўқитувчи  | Тингловчи   |
| 1-босқич<br>Кириш.<br>(10 мин.)        | 1.1.Ўқув машғулотининг мавзусини, мавсадини, ўтказиш тартибини ва натижасини эълон қилади.<br>1.2.Давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти саволи бўйича фаоллаштириш мақсадида савол-жавоб ўтказди. (1-илова)   | 1.1.Эшитадилар, ёзадилар<br><br>1.2.Савол-жавобда қатнашадилар  |
| 2-босқич<br>Асосий<br>(60 мин.)        | 2.1.Тингловчиларга мавзу бўйича берилган докладларни тақдимоти.<br>Мавзулар:<br>• Иқтисодий ислохотларни либераллаштириш, чуқурлаштириш ва модернизациялаш шароитида давлат бюджетининг роли.<br>• Давлат бюджетининг функциялари.<br>• Миллий даромадни тақсимланишида бюджетнинг аҳамияти                     | 2.1.Тингловчиларни тайёрлаб келган доклади тингланади ва муносабат билдириладилар.  |
| 3-босқич<br>Яқуний босқич<br>(10 мин.) | 3.1.Мавзуда қуйилган саволлар ва уларни ҳал қилинганлиги бўйича ўқитувчи яқун ясайди (хулоса қилади).<br>3.2.Келгуси мавзу эълон қилинади ва унга тайёргарлик куриш учун мустақил ишлаш лозимлиги тушунтирилади.<br>• 3.3.Мавзуни қандай узлаштирилганлигини билиш мақсадида тест-назоратини ўтказди. (2-илова) | 3.1.Эшитишадилар ва езиб олишадилар<br>3.2.Мустақил иш мавзуларини ёзиб оладилар<br>3.3.Тест назорати саволларига жавоб беришадилар |

**1-илова**

|  |
|--|
| <p style="text-align: center;">Савол – жавоб учун саволлар рўйхати</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>5. ЯИМни тақсимлашда Давлат бюджетининг аҳамияти қандай?</li> <li>6. Давлат бюджети нима?</li> <li>7. Давлат бюджетига қандай омиллар таъсир кўрсатади?</li> <li>8. Давлат бюджетининг қандай функциялари мавжуд?</li> </ol> |
|--|

**2-илова**

### Назорат тестлари

#### 1.Бюджет деганда нимани тушунаси?

- А).ЯИМни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ пул муносабатларидир.  
 Б).Бюджет фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ императив пул муносабатлари тизимидир.  
 В).Бюджет даромадларини шакллантириш билан боғлиқ императив пул муносабатларидир.  
 Г)Бюджет ҳаражатларини шакллантириш билан боғли муносабатлар.

Д). Давлат даромадларини шаклантириш ва давлат ҳаражатларини шаклантириш билан боғлиқ пул муносабатлари тизимидир.

**2. Иқтисодий категория сифатида бюджетнинг функциялари?**

А). Таксимлаш ва назорат.

Б). Фискал ва иқтисодий рағбатлантириш.

В). Бюджет фондини шаклантириш, бюджет фондидан фойдаланиш ва назорат.

Г). Бюджет фондини шаклантириш, бюджет фондидан фойдаланиш, назорат ва таксимлаш.

Д). Риск, оғохлантириш ва назорат.

**3. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими тўғрисидаги қонуни қачон қабул қилинган?**

А). 1999 йил 14- декабр

Б). 2000 йил 14- декабр

В). 1997 йил 14- декабр.

Г). 2001 йил 14- декабр.

Д). 1998 йил 14- декабр.

**4. Давлатнинг ижтимоий - иқтисодий функциясини бажаришни молиялаштириш нуқтаи назаридан бюджет ҳаражатлари қандай таснифланади?**

А). Жорий ва капитал ҳаражатлар.

Б). Ижтимоий, иқтисодий, муҳофаа ва бошқарув ҳаражатлари.

В). Республика ва маҳаллий бюджет ҳаражатлари.

Г). Саноат, қишлоқ хужалиги, қурилиш, ижтимоий таъминот ҳаражатлари

**5. Бюджет тақчиллиги нима?**

А). Бюджет тақчиллиги - муайян даврда бюджет ҳаражатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси.

Б). Бюджет тақчиллиги - бюджет даромадларининг ҳаражатларидан ортиқ бўлган суммаси.

В). Бюджет тақчиллиги - бюджетнинг ташқи қарзларни қайтара олиш имкониятининг йўқлиги.

Г). Бюджет тақчиллиги - бюджет даромадларининг бюджет ҳаражатлари билан муофиқлиги.

Д). Бюджет тақчиллиги - маҳаллий бюджет даромадлари мувозатаниниг йўқолиши.

**6. Бюджет профицити нима?**

А). Муайян даврда бюджет даромадларининг ҳаражатларни қоплаш имкониятининг йўқлиги.

Б). Муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет ҳаражатларидан ортиқ бўлган суммаси.

В). Муайян даврда бюджетнинг ижтимоий соҳа ҳаражатларини қоплаш имкониятининг йўқолиши.

Г). Бюджет ҳаражатларини қисқартириш билан боғлиқ жараён.

Д). Бюджетнинг солиқ тушумлари самарадорлигини пасайиши билан боғлиқ жараён.

**7. Ўтказиш вақтига қараб бюджет назорати қандай турларга ажратилади?**

А). Дастлабки ва сўнги назорат.

Б). Жорий ва режалаштирилган назорат.

В). Жорий, режалаштирилган ва аудиторлик назорати.

Г). Дастлабки, жорий ва сўнги назорат.

**8. Бюджет назоратининг асосий усулларини тўлиқ ва тўғри кўрсатилганини аниқланг.**

- А). Солиқ назорати, божхона назорати, молиявий назорат.
- Б) Хужжатли текшириш, камерал текшириш, кузатиш, иқтисодий таҳлил, тафтиш
- В) Хужжатли текшириш, кузатиш, камерал текшириш, аудиторлик назорати.
- Г). Кузатиш, иқтисодий таҳлил ва молиявий таҳлил
- Д) Ҳаммаси тўғри жавоб.

|                 |   |
|-----------------|---|
| <b>4- Мавзу</b> | <b>Бюджетдан ташқари фондлар ва уларни ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти</b> |
|-----------------|---|

#### 4.2. Амалий машғулотда ўқитиш технологияси

|   |   |
|---|---|
| Вақти-2 соат  | Тингловчилар сони: 15-30 нафар  |
| Ўқув машғулотининг шакли  | Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий машғулот.   |
| Амалий машғулотининг режаси   | 4. Бюджетдан ташқари фондларнинг мақсадлари ва вазифалари.<br>5. Бюджетдан ташқари фондлар жамланган бюджет бўғини сифатида.<br>6. Бюджетдан ташқари фондлар молиявий ресурсларининг манбалари ва улардан фойдаланиш йўллари.   |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> маърузада олинган билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш.   |   |
| <i>Педагогик вазифалар:</i><br>- мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;<br>- билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш;<br>- ўз фикрни шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш;<br>- коммуникация, гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i><br>Тингловчи:<br>- бюджетдан ташқари фондларнинг мақсадлари ва вазифаларини гапириб беради;<br>- давлат пенсия жамғармасининг даромад ва харажатларини тавсифлайди;<br>- Республика йўл жамғармаси даромад манбалари ва харажатлари тўғрисида тушунчаларга эга бўлади. |
| Ўқитиш усуллари ва техникаси  | Биргаликда ўқиш, мунозара, тақдимот, Блиц сўров, график ташкил этувчилар, Т- жадвал, диаграмма “Венна”.   |
| Ўқитиш воситалари   | Ўқув қўлланмалар, маъруза матни, флип чарт, маркер, скотч, қоғоз  |
| Ўқитиш шакллари   | Гуруҳ ва жамоада ишлаш.   |
| Ўқитиш шароитлари   | Техник таъминланган, гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудитория.   |

## Амалий машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар,<br>вақти              | Фаолият мазмуни  |   |
|----------------------------------|--|---|
|                                  | Ўқитувчи   | Тингловчи   |
| 1-босқич.<br>Кириш<br>(10 мин.)  | <p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади.</p> <p>1.2. Ўқитиш гуруҳларда ишлаш технологияси асосида олшиб борилишини эълон қилади.</p> <p>Ҳар бир Тингловчи гуруҳ баҳосига мос равишда баҳо олишини тушунтиради, гуруҳларда ишлаш қоидалари билан таништиради (1-илова). Гуруҳларда ишлаш натижаси плакат қоғозларда кўрсатилиши кераклигини маълум қилади.</p> <p>Мавзу бўйича блиц-сўров ўтказилади.</p>   | <p>1.1. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>1.2. Гуруҳда ишлашга тайёргарлик кўради, саволларга жавоб берадилар.</p>  |
| 2-босқич.<br>Асосий<br>(60 мин.) | <p>2.1. Тингловчиларни 3 гуруҳга ажратади. Ўқув топшириқларини тарқатади. Вазифа бутун гуруҳ томонидан бажарилишини эълон қилади. Гуруҳларни ўзаро баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.</p> <p>Вазифани бажаришда дарслик, маъруза матнлари ва бошқа қўлланмалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>Гуруҳларда ишларни бошлашни эълон қилади.</p> <p>2.2. Такдимот ва гуруҳларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади.</p> <p>2.3. Жавобларни шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариш жараёнидаги асосий хулосаларга эътиборни қаратади.</p> | <p>2.1. Ўқув топшириқларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишади.</p> <p>2.2. Вазифани бажаради, гуруҳларда ишлайди ва такдимотни шакллантиради.</p> <p>2.3. Такдимот қилади, бошқа гуруҳларга саволлар беради.</p> <p>Яқуний хулосаларни ёзиб олади. Гуруҳлар ўзаро баҳолашни амалга оширади.</p> |
| 3-босқич.<br>Яқуний<br>(10 мин.) | <p>3.1. Машғулотни яқунлайди, фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа беради.</p>   | <p>3.1. Тинглайди, аниқлайди.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар.</p>  |

**Ўқув материаллари****1. Муаммоли вазифа**

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бюджетдан тқашир фондларнинг алоҳида вазифаларини ёритиб беринг.

**2. Услубий кўрсатма: ҳаракат кетма-кетлиги (алгоритм)**

1. Муаммони савол шаклига келтиринг.
2. Асосий масалани шакллантиринг, унинг ечими муаммоли саволга жавоб бериш даражасида бўлсин.
3. Миллий иқтисодиёт ҳолатини тавсифлаш имконини берувчи асосий мезонларни (белги, таҳлил йўналиши) айтинг.
4. Ечиш алгоритминини тузинг.
5. Жамоа бўлиб танланган кўрсаткични баҳолаш, уларни ёритиш кетма-кетлигини ўрнатинг.
6. Бюджетдан ташқари фондлар ҳолатини баҳолаш бўйича танланган кўрсаткич асосида бир қатор кичик муаммоларни шакллантиринг ва жадвалга ёзинг.
7. “Ечимнинг мазмуни” устунига уларни аниқлаш, ҳисоблаш алгоритминини (формуласи, тартибини) ёзинг.
8. Муаммони ечиш жадвалини тўлдиринг.
9. Сиз томонигиздан келтирилган кўрсаткичнинг давлат молияси учун аҳамиятини ёритинг ва оралиқ хулосаларни шакллантиринг ва ёзинг.
10. Якуний хулосани аниқ ва лўнда қилиб шакллантиринг.

**3. Муаммони ечиш жадвали**

| Муаммони шакллантирилиши:     | Якуний хулоса:  |           |
|-------------------------------|-----------------|-----------|
| Куйи муаммоларни шакллантириш | Ечимлар мазмуни | Хулосалар |
| <i>1</i>                      | <i>2</i>        | <i>3</i>  |
| 1.                            |                 |           |
| 2.                            |                 |           |
| п.                            |                 |           |

2 – илова.

**Иш тартиби ва регламент**

1. Муаммони ечиш ва презентация вароғини ёзиш учун гуруҳда ишлашга - 20 мин.
2. Муаммо ечимини презентация қилиш – 8 мин. гача.
3. Жамоа бўлиб муҳокама қилиш, хулосаларни шакллантириш - 10 мин. гача.
4. Ўзаро баҳолаш – 1 мин.

3 – илова.

**Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари**

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳлар тақдимотни баҳолайди, мезонлар бўйича балларни жамлайди.

| Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари              | Макси мал балл | 1 гуруҳ | 2 гуруҳ | 3 гуруҳ |
|---|----------------|---------|---------|---------|
| Ечимлар:  | <i>1,2</i>     |         |         |         |
| - муаммони ва куйи муаммони тўғри шакллантириш; | 0,4            |         |         |         |



|  |            |  |  |  |
|--|------------|--|--|--|
| - ечимни муаммо ва қуйи муаммо шаклига мос келиши;               | 0,4        |  |  |  |
| - мантиқийлик, аниқлик, хулосаларни қисқалиги.                   | 0,4        |  |  |  |
| Тақдимот:  | <b>1,4</b> |  |  |  |
| - жавобларни аниқлиги ва тушунарлилиги;                          | 1,0        |  |  |  |
| - ҳар бир гуруҳ иштирокчисининг фаоллиги (саволлар, қўшимчалар). | 0,4        |  |  |  |
| Регламент  | <b>0,4</b> |  |  |  |
| Умумий баллар йиғиндиси  | <b>3,0</b> |  |  |  |

### Гуруҳ ишини умумлаштирувчи баҳо

| Гуруҳ | 1 | 2 | 3 | Умумий балл | Баҳо<br>(умумий балл 2 га бўлинади)<br>2,2 -3 балл – «аъло»<br>1,2 - 2 балл – «яхши»<br>0,5 – 1,1 балл – «қон-ли»<br>0-0,5 балл – «ёмон» |
|-------|---|---|---|-------------|--|
| 1.    | - |   |   |             |  |
| 2.    |   | - |   |             |  |
| 3.    |   |   | - |             |  |

## 5.2. Амалий машғулотининг ўқитиш технологияси

|  |   |
|--|---|
| Вақти - 2-соат   | Тингловчилар сони: 15-20 нафар  |
| Ўқув машғулотининг шакли   | Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича муаммоли Амалий  |
| Амалий машғулотининг режаси  | 5. Давлат кредитининг мазмуни ва турлари ва таснифланиши.<br>6. Давлатнинг облигацион заёмлари: турлари, эмиссия тартиби ва уларни жойлаштириш. Давлат қарзлари ва уларни бошқариш усуллари.<br>7. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат қарзларини бошқариш муаммолари. |
| Ўқув машғулотининг мақсади:  | Давлат кредити ва давлат қарзлари бўйича Тингловчилар билимларини мустаҳкамлаш  |
| <i>Педагогик вазифалар:</i><br>- мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш;<br>- дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш;<br>- иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш кўникма-ларини ривожлантириш. | <i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i><br>Тингловчи:<br>- Давлатнинг кредит муносаатларининг объектив зарурлигини айтиб беради;<br>- Давлат облигацион заёмлар ва уларнинг алоҳида хусусиятларини тавсифлайди;<br>- Давлат қарзларини бошқаришнинг усуллари тавсифлайди;                |
| Ўқитиш услуби ва техникаси   | Муаммоли усул, ақлий хужум, блиц-сўров, график органайзер.  |
| Ўқитиш шакли   | Фронтал, коллектив, гуруҳларда  |
| Ўқитиш воситалари  | Маъруза матни, проект, флипчарт, маркер, доска бўр  |
| Ўқитиш шароитлари  | Гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория  |

### Амалий машғулотининг технологик картаси

| Босқичлар,<br>вақти                                  | Фаолият мазмуни  |  |
|--|--|--|
|  | Ўқитувчи   | Тингловчи  |
| 1-босқич.<br>Кириш<br>(10 мин.)                      | 1.1. Мавзу, режа ва мақсад, Амалий машғулотининг режаси маълум қилинади.   | 1.1. Эшитади ва ёзадилар.  |
| 2-босқич.<br>Билимларни<br>фаоллаштириш<br>(10 мин.) | 2.1. Асосий тушунчалар бўйича блиц-сўров ўтказилади (1-илова). Бир неча жавобларни эшитади ва фаолият кичик гуруҳларда давом этишини айтади.<br>2.2. Асосий тушунчалар бўйича категориялар таснифини тайёрлашни айтади (2-илова).  | 2.1. Эшитадилар, саволлар берадилар.<br>2.2. Жавоб берадилар.  |
| 3-босқич.<br>Асосий<br>(50 мин.)                     | 3.1. Тингловчиларни 6 та кичик гуруҳларга бўлади ва топшириқ беради:<br>1) асосий тушунчалар бўйича категорияларни таснифлаш;<br>2) ишнинг натижаларини тақдимот шаклида тайёрлаш;<br>3) берилган топшириқ бўйича умумлаштирувчи хулосалар чиқариш.<br>Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништирилади (3-илова). Гуруҳда ишни бошланганини эълон қилади. Гуруҳлар ишларига маслаҳат беради.<br>3.2. Тақдимот жараёнини ва жамоа бўлиб муҳокама қилишни ташкил қилади.<br>1.3. Ўзлаштириш даражасини текшириш мақсадида ҳар бир Тингловчига саволлар тўпламини таркатади (4-илова). | 3.1. Гуруҳларда ишлайдилар.<br>- жамоа бўлиб маълумотларни тизимлаштирилади;<br>- категориялар жадвалини тақдимот қоғозларига ёзади.<br>3.2. Тақдимотни намойиш этади, саволларга жавоб беради.<br>3.3. Жадвални тўлдирилади ва топширилади. |
| 4-босқич.<br>Яқуний<br>(10 мин.)                     | 4.1. Мавзуни яқунлайди, иштирокчиларни баҳолайди ва рағбатлантирилади.<br>4.2. Мустақил иш сифатида “Ўзбекистонда бюджетдан ташқари мақсадли фондлар” мавзусида эссе ёзишни топширилади.   | Эшитадилар ва топшириқни ёзиб оладилар.  |

## Асосий категориялар

|  |
|--|
| Давлат кредити, облигациялар, давлат қарзи, ташқи давлат кредити, бюджет тақчиллиги. |
|--|

## 2-илова.

## Категорияларни тавсифлашни ўтказиш қондаси

1. Гуруҳда “Ақлий ҳужум” ўтказасиз ва мавзу бўйича барча тушунчаларни ёзиб оласиз.
2. Бирон-бир белгиси бўйича олинган маълумотларни умумлаштирувчи категорияларни аниқлайсиз.
3. Категорияни қоғозга ёзинг ва олинган маълумотларни маълум мезонлар бўйича тақсимланг.
4. Тақсимлаш жараёнида бирон-бир категорияни номини ўзгартириш ёки қўшиш мумкин.
5. Категория жадвалини тузинг.

| Мавзу                 | Турлари/кўринишлари/хусусиятлари /сифати |   |   |     |
|-----------------------|--|---|---|-----|
| Категориялар/белгилар | 1  | 2 | 3 | ... |
|                       |  |   |   |     |
|                       |  |   |   |     |

## МАЪРУЗА МАТНИ

### 1-МАВЗУ. ЖАМИЯТДА ДАВЛАТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РОЛИ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

**1. “Давлат молиясини бошқариш” курсининг предмети, мазмуни, вазифалари ва бошқа махсус фанлар билан боғлиқлиги.**

“Давлат молиясини бошқариш” курсининг предмети ЯИМни тақсимланиш жараёнида марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва фойдаланиш жараёнидаги пул муносабатлари ҳисобланади.

“Давлат молиясини бошқариш” ўқув курсининг мазмунини давлат ихтиёрида марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланишни боқариш тизимидаги функционал элементлар ҳисобланади.

Асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- “Давлат молиясини бошқариш” фанининг предмети, мазмуни, вазифалари ва бошқа махсус фанлар билан боғлиқлигини шрганиш;

- Давлат молиясининг моҳияти ва молиявий сиёсатни ўрганиш;

- Давлат молияси назариясининг шаклланиши жараёнини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

- Давлат корхоналари молиявий ресурсларини бошқаришни тадқиқ этиш;

- Бюджет тузилмаси ва бюджет жараёни босқичлари тўғрисида назарий мулоҳазаларни шакллантириш;

- Жамланма бюджетнинг моҳияти ва уни ташкил этишнинг зарурлиги асослаш;

- Республика ва маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари тўғрисида назарий билимларни шакллантириш;

- Бюджетдан ташқари мақсадли фондлар ва уларни ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамиятини ёритиб бериш;

- Давлат молияси тизимида давлат кредити ва давлат қарзларини шакллантириш ва бошқаришни тадқиқ этиш;

- Давлат молиявий назоратини ташкил қилиш асосларини ўрганиш ва бошқалар ҳисобланади.

Ушбу ўқув курси “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими”, “Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти”, “Ғазна органларида бюджет ижросининг бухгалтерия ҳисоби”, “Инвестицион лойиаларни молиялаштириш”, “Корпоратив молияни бошқариш” каби қатор фанлар билан ўзаро алоқадир.

**2. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлашда давлатнинг аҳамияти ва зарурлиги**

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган изчил ислохотлар натижаси ўлароқ макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланиб

келинмоқда. Бундай натижаларга эришишда иқтисодиётдаги солиқ юкини қисқартириш, давлат бюджети харажатларининг манзилли ва мақсадли сарфланиши таъминлаш, давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини жорий қилиш, маҳаллий бюджетларни молиявий соғломлаштириш ва бошқа қатор давлат молияси тизимидаги ислохотларнинг ҳам аҳамияти улкан бўлмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга тўхталиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилишини таъкидлаб ўтган эдилар<sup>1</sup>. Ушбу кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш давлат молияси тизими олдида янги муҳим вазифаларни қўймоқда. Ушбу вазифалар самарали ижросини таъминлаш ва 2009-2012 йиллага мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш давлат молияси тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ ислохотларни янада кучайтириш заруратини кун тартибидаги долзарб масала сифатида майдонга чиқаради.

Давлат жамиятнинг сиёсий институти сифатида тартибга солиш, қайта тақсимлаш, ижтимоий ҳимоя ва назорат каби функцияларни бажаради.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиянинг тақсимлаш функцияси ёрдамида давлат ЯИМ ва миллий даромадни қайта тақсимлайди. Натжада йирик пул фондларини ҳосил қилиш эвазига аҳолининг кам таъминланган қисмини ва ижтимоий инфратузилма объектларини молиявий таъминлайди.

### **3. Иқтисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифалари.**

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида яратилган миллий даромад турли хил иқтисодий субъектлар манфаатлари йўлида фойдаланилади. Миллий даромад, уни яратилишида сарфланган ижтимоий меҳнат юзасидан яратилган қиймат тақсимланади ва иқтисодий субъектларнинг пул даромадлари шакллантирилади. Моддий манфаатларни қондирилиши яратилган ижтимоий маҳсулотлар тақсимланишида ўз аксини топади.

Молия иқтисодий категория сифатида ана шундай ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида яратилган миллий даромадни бирламчи ва қайта тақсимлаш, пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар тизимини ўзида ифодалайди. Бу ўз навбатида ҳозирги иқтисодий ислохотлар сифатида давлат томонидан стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳа ва тармоқларни қўллаб қувватлаш давлат сиёсатини олиб боришда молиядан ва хусусан давлат молиясидан кенг фойдаланиш имкониятларини вужудга келтиради. Натижада миллий иқтисодиётимизда амалга оширилаётган ислохотлар молия тизими ва хусусан давлат

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаворонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи газетаси –Тошкент, 2011 йил, 22 январь, №16(5183)

молиясидаги ислохотлар билан уйғун равишда олиб борилишини тақозо қилади. Хусусан бу борада, президентимиз Ислом Каримов қуйидаги фикрларни келтириб ўтадилар, “Биз бугун 2010 йил кунларини баҳолаётган эканмиз, аввало мамлакатимиз иқтисодийнинг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганлигини кайд этишимиз зарур”- деб таъкидлаб ўтган эдилар. Ушбу фикрини давом эттириб, иқтисодий ислохотларнинг давлат молиясини тизими билан уйғунлиги тўғрисида қуйидаги фикрларни айтиб ўтдилар, “Айтиш керакки, бундай иқтисодий ўсиш, кўп жиҳатдан, иқтисодиётда солиқ юқини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боғлиқ Жумладан, 2010 йилда юридик шахслар учун даромад солиғи 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизгача туширилгани бунинг амалий тасдиғидир. Шу борада ўтган йили Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошириб, яъни 0,3 фоиз профицит билан бажарилганини таъкидлаш зарур”<sup>2</sup>.

Президентимиз томонидан билдирилган юқоридаги фикрларида ўз навбатида миллий иқтисодимизда амалга оширилаётган ислохотларда молия тизими ва давлат молиясининг нақадар юқори аҳамиятга эга бўлаётганлиги, стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳа ва тармоқларни давлат томонидан молиявий қўллаб қувватлаш тизимининг самарадорлигини ёритиб берган.

Молия хўжалик юретишнинг барча даражаларидаги ижтимоий тақдор ишлаб чиқаришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Молиянинг мавжудлигисиз, кенгайтирилган асосидаги ишлаб чиқариш фондларининг ижтимоий ва шахсий айланишини таъминлаш мумкин эмас. Хўжалик субъектлари ва давлатнинг ижтимоий эҳтиёжларининг мавжудлиги ҳар хил молиявий муносабатлар турларини вужудга келтиради.

Молия тизими, шакллантириладиган пул фондлари даражаси ва кўламига қараб 2 асосий турга бўлинади: марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари тизимини ўз ичига олувчи давлат молияси ва турли иқтисодий субъектлар ихтиёрида марказлаштирилмаган пул фондларини шакллантириш билан боғлиқ пул муносабатларини ўз ичига олувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда уй хўжаликлари молияси каби туркумларга ажратилади.

Давлатларнинг пайдо булиши билан молиянинг пайдо булишини объектив шарт шароитлари давлатлар жамият иқтисодий тизимидаги роли ва унга тегишли булган функцияларда намоён бўлади.

Давлатларнинг иқтисодий роли жамият иқтисодий тизимида мулкчилик муносабатларининг ислох қилиш, институционал узгаришлар, иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий тенглик меёрларини таъминлашдан иборатдир.

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Ҳалқ сўзи газетаси –Тошкент, 2011 йил, 22 январь, №16(5183)



**1- расм. Давлатнинг жамиятдаги иқтисодий роли<sup>3</sup>.**

Ана шундай давлатларнинг жамиятдаги ижтимоий иқтисодий ролини амалга ошириши учун йирик миқдордаги молиявий ресурсларга эҳтиёж сезади ва бундай молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш жараёни давлат молиясини мазмунини англайди.

Макроиқтисодий барқарорликнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: (а) даромадлар тақсимланиши муаммоси; (б) Иқтисодий ўсиш; (в) Тўла бандлик; (г) Ички нархларнинг барқарорлиги (инфляция); (д) Хорижий валюталарга алмашув курсининг барқарорлиги; (ж) Бақувват тўлов баланси; (з) Давлат бюджети камомадининг ЯИМга нисбатан 3% ан ошиб кетмаслиги ва бошқалар.

<sup>3</sup> Курбоноа Х.А., Бауетдинов М.Ж. Давлат молиясини бошқариш. ЎУМ(маърузалар матни).-Т.: ТДИУ, 2010 й.-34 б.



## **2-МАВЗУ: ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ.**

### **1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.**

Давлат молияси- ЯИМ ва Миллий даромадни тақсимланиши жараёнида давлат ихтиёрида марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлардир.

Давлат молияси кенгайтирилган ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш жараёнида яратилган миллий даромадларни тақсимланиши жараёнида давлат ихтиёридаги марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари тизимини уз ичига олади.

Давлат молиясининг моҳияти ва унинг роли ва мақсадлари давлатларни бажарадиган функциялари, ишлаб чиқариш усуллари, ишлаб чиқариш муносабатлари характери билан белгиланади.


Давлат молияси давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий функцияларини бажариши учун зарурий пул маблағлари билан таъминлашга йуналтирилган мамлакатнинг молия тизимини муҳим бўғинидир. Узининг иқтисодий моҳиятига кура давлат молияси Ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнида давлат ихтиёрида пул фондларини шакллантириш ва мазкур давлатнинг пул фондларидан кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни ривожлантириш буйича харажатларга, жамият аъзоларининг усиб бораётган ижтимоий маданий эҳтиёжларини кондиришга, муҳофаа ва бошқариш соҳаларини молиявий таъминлаш буйича эҳтиёжларни кондиришга ишлатиш билан боғлиқ макроиқтисодий муносабатлар тизимидир. Давлат молиясининг ўзига хос хусусияти шу билан белгиланадики унда катнашувчи субъект сифатида давлатнинг ўзи майдонга чиқади. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти турли туман талкин қилинадиган бўлиб, унинг таркибида алоҳида узаро боғлиқ бўғинлар мавжуд бўлиб, уларнинг хар бири ўзига хос функцияларни бажаради. Давлат молиясининг таркибига куйидагилар киритилади: Давлат бошқарувнинг турли даражаларида шакллантириладиган бюджет муносабатлари, бюджетдан ташқари фондлар, давлат кредити муносабатлари, давлат корхоналари молияси. Юқорида санаб утилган давлат молияси бўғинларининг функционал вазифалари ёрдамида давлат иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг кенг спектрларига таъсир килади, тармок ва ҳудудий муаммоларни хал қилиш имкониятларига эга бўлади.

Давлат молияси давлатнинг умумий даромадларини шакллантириш ва давлат харажатлари йуналиши уз ичига олувчи қиймат тақсимот муносабатларини узида акс эттиради.

Давлат шакллантириган молия механизми орқали миллий иқтисодиётни тартибга солади, иқтисодиётнинг устувор соҳаларини, тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлайди, даромадларни қайта тақсимлаш сиёсатини олиб боради, стратегик ва ижтимоий аҳамият касб этувчи хизматларни таддим этади.

## 2. Давлат молиясининг бўғинлари.

Давлат молиясининг асосий бўғинлари қуйидагилардан иборат: Давлат бюджети, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, давлат кредити ва давлат қарзлари, давлат корхоналари молияси каби бўғинларни ўз ичига олади.



Давлат бюджети воситасида давлат иқтисодиётга фаол таъсир қилиш имкониятларига эга бўлади. Чунки бюджет воситасида иқтисодиётнинг йирик микдордаги пул ресурслари тармоқлар ва ҳудудлар ўртасида қайта тақсимланади. Демак, бюджет даромадларини шакллантириш ва улардан ижтимоий эҳтиёжлар учун фойдаланиш жараёнида давлатнинг барча тармоқ ва соҳаларидаги пул даромадлари ва жамғармаларни тартибга солиди, мамлакатларнинг турли ҳудудларидаги иқтисодий потенциал, инвестицион фаолликни ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш билан боғлиқ ҳудудий муаммоларни ҳал қилиш имкониятларига эга бўлади.

Юқоридагилар умумлаштирган ҳолда давлат молиясининг таркибий қисми сифатида давлат бюджети 4 асосий сифат белгилари билан тавсифланади:

1. Бюджет давлат кўлида миллий даромадни бир қисмини жамлаш ва ижтимоий эҳтиёжлар учун ундан фойдаланиш билан боғлиқ қайта тақсимлаш муносабатларининг алоҳида иқтисодий шакли ҳисобланади.

2. Бюджет муносабатлари молиявий муносабатларнинг ўзига хос шакли сифатида императив характерга эга булган пул муносабатлари ҳисобланади.

3. Бюджет орқали миллий даромадни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим соҳалари уртасида, иқтисодиёт тармоқлари ичида, ижтимоий фаолият соҳалари уртасида, мамлакат ҳудудлари уртасида қайта тақсимлаш амалга оширилади.

4. Бюджетнинг тақсимлаш соҳаси давлат молиясида муҳим рол ўйнайди.

Давлат мақсадли жамғармалари - давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади

### **3. Молиявий сиёсат ва замонавий шароитларда унинг устувор йўналишлари.**

Молиявий сиёсат – бу молиявий ресурсларни жамлаш, уларни давлатнинг ўз функция ва вазифаларини амалга ошириш учун тақсимлаш ва ишлатиш шакл ҳамда усулларида тизимли намоён бўлувчи тадбирлар йиғиндиси.

Молиявий сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: (а) Бюджет-солиқ сиёсати; (б) пул-кредит сиёсати; (в) институционал ислохотлар; (г) инвестиция сиёсати ва бошқалар.

Мустақиллик йилларида олиб борилган бюджет-солиқ сиёсатининг босқичлари ва устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

#### **1. Мустақил бюджет тизимини шакллантириш – “ўтиш даври”:**

- бюджет даромадлари ва харажатларини қайта кўриб чиқиш ва таснифлаш;
- бюджет дефицитни камайтириш;
- кучли ижтимоий сиёсат – Давлат бюджетининг муҳим йўналиши сифатида;
- бюджетларо муносабатларни шакллантириш;
- бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш;
- бюджет таснифларини халқаро стандартларга мақбуллаштириш ўз ичига олди.
- Миллий солиқ тизими ва уни ҳуқуқий асосларини шакллантириш;
- Солиқ тизимини соддалаштириш ва уни иқтисодиётнинг устувор йўналишларини рағбатлатириш тизимини шакллантириш;

#### **2. Иқтисодиётни эркинлаштириш шарт шароитларига мувофиқ давлат молиясини ислоҳ қилиш ва унинг ҳуқуқий асосларини яратиш:**

- “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунни амалга киритилиши;
- Бюджет таснифи ва бюджетдан молиялаштириш тизимини соддалаштириш;
- Давлат бюджети харажатларини манзилли ва мақсадли йўналишини таъминлаш;
- Бюджет харажатларини таркибий ислоҳ қилиш;
- Ҳудудларни дотациядан чиқариш ва маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини барқарорлаштириш;
- Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш;
- Давлат бюджетини ижросини Ғазна тизими жорий қилиш ва уни ривожлантириш;
- Бюджет муассасаларини молиялаштиришни ислоҳ қилиш;
- Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг масъулиятини ошириш билан уларнинг молиявий имкониятларини яхшилаш;
- Солиқ юкини камайтириш;
- Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш;
- Солиқ тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

- Солиқ тизимини соддалаштириш.

### **3.Замонавий шароитларда бюджет тизимидаги ислохотлар:**

- бюджет дефицитини самарали бошқариш
- Ғазначилик тизимини босқичма босқич ривожлантириш;
- бюджет қонунчилигини мустаҳкамлаш;
- ўрта мудатли фисал сиёсат амалиётини жорий қилиш;
- натижага йўналтирилган бюджет моделини жорий этиш;
- дотацион режимдаги бюджетларни тугатиш ва маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш;


### 3-МАВЗУ. ЖАМЛАНМА БЮДЖЕТНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

#### 1. Жамланма бюджет – давлат молия тизимининг муҳим бўғини сифатида.

Жамланма бюджет барча даражадаги бюджетлари ва давлат мақсадли жамғармаларнинг ўзида мужассамлаштиради. Ҳозирда Ўзбекистон республикаси жамланма бюджет таркибига турли даражадаги бюджетлар ва 7 турдаги давлат мақсадли жамғармалар киритилиб, улар умумдавлат молиявий ресурслар фондиди ўзида ифодалайди.

Бюджет муносабатлари – жамият иқтисодий тизимининг ажрамас қисми унинг амал қилиши давлат томонидан унга тегишли функцияларни бажариши учун зарурий молиявий базани шакллантириш билан объектив равишда аниқланади.

Давлат бюджети орқали жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулот қайта тақсимланади. Ялпи ички маҳсулотнинг қайта тақсимланиши жамиятдаги умумий эҳтиёжлар: маориф, соғлиқни сақлаш, мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, аҳоли таркибида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тинчлик, чегаралар дахлсизлигини сақлаш ва фавқулодда ҳолатлар учун сақланадиган давлат захираларининг мавжуд бўлиш зарурати туфайли келиб чиқади. Шунингдек, давлат бюджет орқали давлат жамиятнинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилишнинг молиявий дастакларига эга бўлади. Давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида давлат ҳокимиятининг иқтисодий имкониятларининг молиявий асосини яратади.



Демак, бир томондан бюджетнинг пайдо бўлиши давлатларнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, иккинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий соҳаларидаги давлат

ислоҳотларини амалга оширишнинг асосий инструменти сифатидаги бюджетнинг сифат белгиларига аниқлик киритилади.

Бюджет- мураккаб иқтисодий категория ҳисобланади. Чунки унинг моддий асосини кенгайтирилган ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёни ташкил қилади. Бюджет соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида биринчи даражадаги вазифа унинг моддий мазмунини ўзида акс эттирувчи такрор ишлаб чиқариш нисбатлари бузилишига салбий таъсир этмаслиги лозим (ҳатто ҳар қандай кучли ижтимоий ҳимоя тизимларини шакллантиришга йўналтирилган бюджет сиёсатида ҳам). Акс ҳолда асосланмаган бюджет сиёсати натижасида ишлаб чиқариш жараёнидаги таназзуликларга олиб келинади ва охир оқибат давлат бюджети даромадлари шаклланишида ҳам муаммолар пайдо бўлади.

## **2. Давлат бюджетининг ижтимоий иқтисодий моҳияти ва мазмуни.**

**Давлат бюджети**-давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

Иқтисодий категория сифатида давлат бюджети марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан болиқ императив тавсифдаги пул муносабатларини акс эттириб, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тизимида марказий бўғинда иштирок этиши билан аҳолининг маълум қатламини манфаатларини ўзида акс эттиради. Бу тушунчада бюджет муносабатлари ўзида иқтисодий ривожланишнинг аниқ фалсафаси ва идеологиясини акс эттиради.

Бюджет муносабатлари давлат билан хўжалик субъектлари ҳамда аҳоли ўртасидаги қиймат тақсимланиши жараёнида пайдо бўлувчи молиявий муносабатлардир. Бундай молиявий муносабатларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки биринчидан, юқорида таъкидлаганимиздек ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тақсимлаш босқичида вужудга келади, иккинчидан, марказлаштирилган молиявий ресурсларни шакллантириш ва ундан давлат манфаатлари юзасидан фойдаланишга йўналтирилади. Давлат манфаатлари эса- бу ижтимоий манфаатлар ҳисобланади. Зеро, таниқли иқтисодчи Ж.М. Кейнс таъкидлаганидек, “Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий манфаатлар фақатгина давлатлардагина ўз ифодасини топади”. Бюджет давлатнинг асосий марказлаштирилган молиявий ресурслар фонди сифатида ўзига хос ижтимоий аҳамият касб этади. Демак, давлат бюджети иқтисодий категория сифатида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тизимида марказий бўғинда иштирок этиши билан аҳолининг маълум қатлами манфаатларини ўзида акс эттиради. Бу тушунчада бюджет муносабатлари ўзида иқтисодий ривожланишнинг аниқ фалсафаси ва идеологиясини акс эттиради.

Ўзининг моддий мазмунига кўра, давлат бюджети - давлатнинг марказлаштирилган пул маблағлари фондини шакллантириш ва ундан

фойдаланишнинг алоҳида шаклидир, ижтимоий - иқтисодий моҳиятига кўра эса миллий даромадни тақсимлашнинг асосий куролидир.

Давлат бюджети молия тизимининг марказий бўғинини ташкил қилади. Шунинг учун давлат бюджети молиянинг айрим ўзига хос сифат белгиларини ўзида намоён қилади.

Давлат билан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва аҳоли ўртасида юзага келувчи молиявий муносабатлар бюджет муносабатлари ҳисобланади. Шунингдек, бюджет муносабатларининг молиявий муносабатлардан фарқли 4 жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтишими мумкин:

- бюджет давлат қўлида миллий даромаднинг бир қисмини жамлаш, ижтимоий эҳтиёжлар ва алоҳида давлат - ҳудудий тузилмалар учун ундан фойдаланиш билан боғлиқ қайта тақсимлаш муносабатларининг алоҳида иқтисодий шакли ҳисобланади;

- бюджет ёрдамида миллий даромаднинг бир қисми ва айрим ҳолатларда миллий бойлик халқ хўжалигининг тарморқлари, мамлакат ҳудудлари, ижтимоий фаолият соҳалари ўртасида қайта тақсимланади;

- қийматни бюджет орқали қайта тақсимлаш нисбати молиянинг бошқа бўғинларига нисбатан йирик миқдорни ташкил қилади ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва жамият ривожланишининг ҳар қайси тарихий босқичларида унинг ривожланиши олдидаги вазифалари орқали аниқланади;

- бюджетни тақсимлаш соҳаси давлат молиясида марказий ўринни эгаллаб, молиянинг бошқа бўғинларига нисбатан бюджет муҳим аҳамиятга эга;

- бюджет муносабатларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири улар ЯИМ ва миллий даромаднинг тақсимланиши жараёнида давлат ихтиёрида марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш билан боғлиқ императив характердаги пул муносабатлари тизимидир.

### **3. Иқтисодий катеория сифатида давлат бюджетининг функциялари**

Бюджетнинг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти унинг функцияларида яққолроқ намоён бўлади. Бюджетнинг иқтисодий мазмунини ёритишга бағишланган молиявий - иқтисодий адабиётларда бюджетнинг функциялари нуқтаи назаридан турли иқтисодчиларнинг полисемантик характердаги фикр мулоҳазаларини кузатишимиз мумкин.

Масалан, В.М. Родионова бюджетни тақсимлаш ва назорат функцияларини бажаришни талқин қилади. Шунингдек, муаллиф молияга тегишли функциялар сифатида ҳам тақсимлаш ва назорат функцияларини бажаришини ҳам талқин қилади<sup>4</sup>. Фақатгина бу ерда бюджетнинг тақсимлаш функциясини тақсимлаш жараёнининг 2-босқичида амал қилишига эътибор беришимиз лозим.

Фикримизча ижтимоий соҳаларни молиялаштириш ва умуман ижтимоий зиддиятларни ҳал қилишда бюджет муҳим роль ўйнайди, бу эса ўз навбатида

---

<sup>4</sup> Родионова В. Финансы. – М.: 1995. Финансы и статистика.

бюджетнинг тақсимлаш функцияси асосида унга юклатилган вазифа ҳисобланади.

Бюджет - молия соҳасида қатор илмий ишларни амалга оширган профессор Г. Романовский бюджетнинг бажарадиган функциялари сифатида бюджет фондини шаллантириш, бюджет фондидан фойдаланиш ва назорат каби элементларни талқин қилади<sup>5</sup>.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги шароитда бюджет воситасида миллий даромаднинг сезиларли қисми қайта тақсимланиб, молиянинг бошқа ҳеч қайси бўғини тармоқлар, ҳудудлар ва иқтисодиётнинг соҳалари, давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий даражаларида маблағларни бундай йирик миқдорда қайта тақсимлаш имкониятига эга эмасдир.

Бозор муносабатлари шароитларида миллий даромаднинг тақсимланиши пул даромадлари ва жамғармаларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш воситасида амалга оширилади. Бундай даромадларга аввало давлат даромадлари, корхона ва ташкилотлар даромадлари, турли тижорат таркиблари, молиявий институтлар ҳамда аҳоли даромадлари киради.

Миллий даромадни сезиларли қисми давлат, хусусий ва тижорат корхоналари даромадларини солиққа тортиш воситасида бюджет фондига тўғридан - тўғри тақсимлаш йўли билан келиб тушади. Аҳолини соф даромадларининг бир қисмини бюджетга қайта тақсимлаш тартибида келиб тушади.

Бюджетга таъсир кўрсатувчи объектив омилларга жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатлари ва жамиятнинг ривожланиш даражаси, миллий даромаднинг қай даражада тақсимланиши каби омиллар киради.

Субъектив омилларга эса давлатнинг шакли (республика, монархия.....), ўтказилаётган ислохотлар ва сиёсат йўналишлари киради.

Бюджет даромадлари ва харажатлари ижтимоий тузумларда турли кўринишларга эга бўлган. Собиқ социалистик тузумдаги бюджет муносабатларини кўздан кечирадиган бўлсак, бюджет даромадлари давлат корхоналарининг фойдасидан ажратмалар ва давлат мулкидан келадиган даромадлар ҳисобига шаклланар эди. Бундай ҳолат молия - бюджет тизимини бошқаришда иқтисодий механизмлардан фойдаланиш имкониятини бермай кўяди, яъни унда хўжалик субъектларининг манфаатдорлиги паст бўлиб турли имтиёзлар ва рағбатлантиришларнинг фойдаси унчалик бўлмайди.

Бюджет харажатлари эса социалистик тузумда асосан халқ хўжалигини ривожлантириш учун сарфланар эди. Мудофаа харажатлари эса “қуролланиш пойгаси” туфайли харажатларнинг салмоқли улушини ташкил қиларди. Харажатларнинг ушбу йўналишларга мойиллиги, аҳолини ижтимоий-маданий тадбир эҳтиёжларига кўп маблағлар сарфлаш имконини бермай кўйди ва бу соҳаларда жаҳондаги кўпгина мамлакатлардаги вазиятдан орқада қолиб кетишига олиб келди.

Мустақиллик йилларидаги иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида шакллантириш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва миллий даромад тақсимланишида бюджетнинг ҳам роли ўзгарди.

---

<sup>5</sup> Романовский Г. Бюджетная система РФ. – М.: 1998. Финансы и статистика.



Бозор иқтисодига ўтиш ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида туб ислохотларни амалга оширишни талаб қилади, шу жумладан иқтисодий соҳада бозор муносабатларининг ташкил топиши, турли мулкчилик шаклланиши, ўтиш даврида Ўзбекистон давлати олдида макроиқтисодий барқарорликка эришиш, Ўзбекистонни дон ва ёқилғи – энергетика мустақиллигига эришиш масалалари, халқ хўжалигида чуқур тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш лозимлиги, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий ислохотларнинг гарови эканлиги, буларнинг барчаси бюджет ва молия сиёсатида тубдан ўзгаришлар қилишни талаб қилади ва давлат бюджети харажатлари тузилишини белгилайди.

Давлат бюджети орқали миллий даромаднинг бир қисми тақсимланиши жамият ижтимоий ҳаётининг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари тармоқлари ўртасида маблағларни тақсимлаш йўли билан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва жамиятнинг бошқа ялпи эҳтиёжларини қондириш учун марказлаштирилган пул маблағлари фондини шакллантириш зарурати билан боғлиқдир.

Бюджет иқтисодий категория сифатида молияга тегишли сифат белгилари унга ҳам хосдир. Унинг пул муносабатлари ҳисобланиши ва молиянинг асосий функцияларини бажариши билан белгиланади. Бюджет иқтисодий категория сифатида қуйидаги функцияларни бажаради:

- ЯИМни қайта тақсимлаш;
- Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш;
- бюджет соҳасидаги муассасаларни молиявий таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш;
- назорат.

Бозор ислохотлари шароитида давлатнинг вазифалари ўзгариши бюджет муносабатларини ташкил қилиш жараёнида ўз аксини топади. Умуман давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашувини қисқартириш ва иқтисодиётдаги тадбирларлик фаолиятини рағбатлантириш шароитида бюджетнинг ЯИМга нисбатан салмоғи қисқариб бормоқда. Амалдаги бюджет ислохотлари иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида устувор соҳаларни қўллаб - қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун қулай молиявий иқтисодий имкониятлар яратиш, миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилмоқда.

Иқтисодий категория сифатида давлат бюджети қуйидаги функцияларни бажаради: (а) Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш; (б) ЯИМни қайта тақсимлаш; (в) Бюджет соҳасидаги муассасаларни молиявий таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш; (г) Назорат.

#### **4-МАВЗУ. БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАҚСАДЛИ ФОНДЛАР ВА УЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРДАГИ АҲАМИЯТИ**

##### **1. Бюджетдан ташқари фондларнинг мақсадлари ва вазифалари.**

**Давлат мақсадли жамғармалари**-Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижаси ўлароқ макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланиб келинмоқда. Бундай натижаларга эришишда давлат молияси тизимида муҳим ўрин эгаллаган бюджетдан ташқари фондларнинг аҳамияти юқори бўлмоқда. Бюджетдан ташқари фондлар мамлакатдаги ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда беқиёс ўринга эга бўлиши билан бирга амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар ва инвестиция сиёсатида ҳам муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Айниқса, ҳозирги тобора глобаллашиб бораётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мухтарам Президентимиз Ислон Каримов томонидан илгари сурилган Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш билан боғлиқ кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда бюджетдан ташқари фондларнинг аҳамияти юксак бўлмоқда.

Мухтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга тўхталиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилишини таъкидлаб ўтган эдилар<sup>6</sup>.

Шунингдек, Президентимиз Ислон Каримов 2012 йилда ва ундан кейинги йиллардаги устувор вазифаларга алоҳида тўхталиб, “Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур. Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти, аввало, шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз”<sup>7</sup> –деб таъкидлаб ўтдилар.

<sup>6</sup>Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи газетаси –Тошкент, 2011 йил, 22 январь, №16(5183)

<sup>7</sup>Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 23 б.

Ушбу кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш давлат молияси тизимида муҳим ўринни эгалловчи бюджетдан ташқари фондлар олдига ҳам муҳим вазифаларни юкламоқда.

Бюджетдан ташқари фондлар давлатинг жамиятдаги алоҳида ижтимоий-иқтисодий ислохотларини амага ошириш учун мўлжалланган пул фонди бўлиб, уларнинг асосий мақсади ушбу ислохотларни молиявий таъминлаш ҳисобланади.

Давлат мақсадли фондларида катта миқдордаги маблағларнинг тўпланган шароитида давлат молиявий назоратининг сусайиши бу маблағлардан самарасиз фойдаланишга ва турли-туман суиистеъмол қилиш ҳолатларининг содир этилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам, давлат молиявий ресурслардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида уларни Давлат бюджетига консолидация қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда консолидация қилинган фондларнинг мақсадли йўналиши ўзгартирилмасдан сақланиб қолиши таъминланиши лозим.

Бюджетдан ташқари жамғармалар:

– бу бюджетдан алоҳида ташкил этиладиган, мақсадли характерга эга бўлган, умумдавлат ёки маҳаллий аҳамиятга эга тадбирларни молиялаштириш учун мўлжалланган мустақил молия муассасаларининг тизими;

- давлат томонидан баъзи ижтимоий эҳтиёжлар учун мустақил равишда комплекс сарфланадиган жалб этилаётган молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ва ишлатиш шакли.

Бюджетдан ташқари жамғармалар бюджет пайдо бўлишидан анча аввал вужудга келган. Уларнинг пайдо бўлиши давлат фаолиятининг кенгайишига янги харажатлар ва тегишли равишда уларни амалга оширишга зарур бўлган кўшимча маблағлар билан боғлиқ. Давлат жамғармаларининг сони доим ўзгариб турган, улар асосан вақтинчалик хусусиятга эга, махсус жамғармалар ёки алоҳида ҳисоб варақлар кўринишида бўлган ва уларни бошқариш учун кўшимча маблағлар талаб этилган.

Уларнинг ҳар бири алоҳида давлат молия тизимининг ажралмас бўғини ҳисобланади. Бу жамғармаларни молиявий маблағларининг шаклланиши, тақсимланиши ва ресурслардан мақсадли фойдаланиши бевосита молиявий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мувофиқлаштирилади ва тартибга солинади.

Иқтисодчилар Маликов Т.С. ва Хайдаров Н.Ҳ.лар таъкидлашларича, “Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ижтимоий-иқтисодий хусусиятига кўра, муайян бир аҳоли қатлами ёки инвестицион дастур эҳтиёжларини назарда тутиб, мамлакатда яратилаётган миллий даромадни қайта тақсимлаш орқали ташкил этилади. Давлат умумжамиyat аҳамиятига молик бўлган ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахсларда шаклланаётган молиявий ресурсларнинг бир қисмини Давлатнинг бюджетдан ташқари

жамғармалари ихтиёрига молиянинг тақсимлаш функцияси орқали жалб қилади”<sup>8</sup>.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бир қатор вазифаларни бажаради. Уларнинг кўлами кенг, аммо асосийлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– иқтисодиётнинг устувор соҳаларини қўшимча молиявий ресурслар билан таъминлаш (экология фондлари, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ва бошқалар);

– ҳар хил махсус жамғармалар кўмагида аҳолига ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш.

## **2. Бюджетдан ташқари фондлар жамланган бюджет бўғини сифатида.**

Ҳозирги шароитда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг айримлари жамлаган бюджетнинг таркибига киритилган. Улардан қуйидаги 7 таси: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат Пенсия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат Йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат фонди, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фонди, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитасининг махсус ҳисобварағи, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари қуйидаги белгиларга кўра таснифланади:

1) бошқарув даражасига кўра (умумдавлат, республика, ҳудудий);

2) амал қилиши муддатига кўра (доимий, вақтинчалик – ўзига юкланган вазифаларни бажариши билан ўз фаолиятини тўхтатади);

3) шакллантириш усулларига кўра (бюджетдан алоҳида, муҳим аҳамиятга эга харажатларни ажратиш, жамғармаларга шахсий даромадлар манбаларини бириктириш);

4) функционал мақсадига кўра (ижтимоий, шахсий ва мулк суғуртаси, иқтисодий, кредит, илмий-тадқиқот, инвестицион, экологик, ҳарбий-сиёсий, давлатлараро ва бошқалар).

Бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш манбалари: юридик ва жисмоний шахсларнинг бадаллари; бюджетдан ажратмалар; тушумлар (лотерея, йўлланмалар учун тўловлар ва бошқалар); жамғарманинг вақтинчалик бўш турган пул маблағларини инвестициялашдан тушган даромадлар (молия бозорида иштирок этиш); банк кредитлари; мажбурий бадалларни белгиланган вақтда тўламаганлик учун пеня ва жарима суммалари; юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари (эхсон, ҳадя).

---

<sup>8</sup> Маликов Т. С., Ҳайдаров Н. Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2008.- 283 б.

### **3. Бюджетдан ташқари фондлар молиявий ресурсларининг манбалари ва улардан фойдаланиш йўллари.**

Бюджетдан ташқари фондларнинг даромадларига қуйидагилар киритилади:

- Ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар;
- Маҳсулот реализациясидан мажбурий ажратмалар;
- Фуқароларнинг мажбурий суғурта ажратмалари
- Товарлар реализацияси хажмидан ажратмалар;
- Тадбиркорлик фаолияти натижида олиган ва қайтган даромадлар;
- Ҳомийлик эвазига жалб қилинган маблағлар;
- Давлат активларини сотиш, хусусийлаштириш эвазига жалб қилинган миллий ва хорижий валютадаги маблағларнинг бир қисми ҳисобига шакллантирилган маблағлар;

- Давлат бюджети маблағларини маълум қисмини мобилизация қилиш жараёнидаги даромадлар ва бошқалар ҳисобланади.

Ушбу фондлар молиявий ресурсларида қуйидаги йўналишларда фойдаланилади:

- Пенсия ва турли ижтимоий нафақаларни тўлаш;
- Бандликни таъминлашга доир кредитлар бериш, ишсизлик нафақаларини тўлаш;
- Йирик ва стратегик аҳамият касб этувчи марказлаштирилган инвестиция лойиҳаларини молиявий таъминлаш;
- Инфратузилма объектларини сақлаш, уларни реконструкция қилиш ва жиҳозлаш бўйича харажатларни молиявий таъминлаш ва бошқалар ҳисобланади.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

- маҳаллий ва республика бюджети маблағлари;
- хўжалик субъектларининг мажбурий тўловлари;
- хорижий ва республика ичидаги хўжалик субъектлари ҳамда жисмоний шахсларни ихтиёрий ажратмалари.

Ушбу фон маблағларининг сарфланиш йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- фуқароларнинг меҳнат жойи билан таъминлаш;
- ишсизлик учун нафақалар бериш;
- кадрларни қайта ўқитиш ва қайта тайерлаш ишларини ташкил этиш учун;
- бандлик фонди бошқарув органини иш ҳақи билан таъминлаш.

Мамлакатимизда иқтисодийни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда биринчи навбатда ички имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, иқтисодийни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича амалда оширилаётган йирик ва стратегик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда давлат бюджетининг ҳам аҳамияти юқори бўлмоқда.

Корхоналарни техник ва технолгик янгилаш, модернизация қилиш ва янги ишлаб чиқариш объектларини куриш, шу орқали янги иш ўринларини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва динамик ривожланишини таъминлаш учун йўналтирилган инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга инвестицион дастури ҳақида”ги ПП-1668 Қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу дастурда белгиланган капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари таркибида давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Буни 5.5.1-жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

#### 5.5.1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида 2012 йилги инвестицион дастур капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари<sup>9</sup>

|    | Молиялаштириш манбаларининг номлари                                    | 2012 йилги прогноз, млрд. сўм | Жамига нисбатан фоизда |
|----|--|-------------------------------|------------------------|
|    | <b>Капитал қўйилмалар, жами</b>  | <b>23679,7</b>                | <b>100</b>             |
|    | <b>Марказлаштирилган инвестициялар</b>                                 | <b>5740,8</b>                 | <b>24,2</b>            |
| 1. | Давлат бюджети маблағлари  | 1059,2                        | 4,4                    |
| 2. | Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди              | 115,5                         | 0,4                    |
| 3. | Бюджетдан ташқари фондлар маблағлари                                   | 1431,7                        | 6,0                    |
| 4. | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)                   | 1432,4                        | 6,0                    |
| 5. | Хукумат кафолатлари асосидаги хорижий инвестициялар(сўм эквивалентида) | 1701,9                        | 7,2                    |
|    | <b>Номарказлаштирилган инвестициялар</b>                               | <b>17938,8</b>                | <b>75,8</b>            |

Ушбу маълумотлардан кўришиб турибдики, 2010 йилги инвестицион дастурда белгиланган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 23679,7 миллиард сўмни ташкил қилиб, унинг 24,2 фоизини марказлаштирилган инвестицияларга тўғри келади. 5740,8 миллиард сўмлик марказлаштирилган инвестицияларнинг 1059,2 миллиард сўмлик қисми давлат бюджетидан молиялаштирилади.

Президентимиз Ислон Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарали ижросини таъминлашда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида роль ўйнамоқда.

Жамғарманинг асосий вазифалари:

- ❖ давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан тижорат банклари, хорижий жамғарма ва инвесторлар ҳамда бошқа манфаатдор тузилмаларнинг молиявий маблағларини жамлаш;

- ❖ иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва модернизация қилиш борасида устувор вазифаларни

<sup>9</sup> Қаранг: www.lex.uz

амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ғоят муҳим лойиҳаларни молиялаштириш;

❖ стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналар, аввало иқтисодий базавий тармоқлари корхоналарини янгилаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини кредитлаш;

❖ ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати, машинасозлик ва рангли металлургия тармоқларини техникавий қайта қуроллантиришга ҳамда ишлаб чиқариш суръати ва ҳажмини оширишга йўналтирилган лойиҳалар молиялаштирилишини таъминлаш;

❖ мамлакатимизнинг турли минтақаларида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришнинг истиқболли инфратузилмасини шакллантириш бўйича ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик миллий давлат дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилишини молиялаштириш;

❖ юртимизнинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратадиган, халқаро транспорт йўлаклари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишини таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантиришни молиялаштириш;

❖ халқаро молия институтлари, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг кредит муассасалари билан лойиҳаларнинг кўшма молиялаштирилишини ташкил этишни таъминлаш ҳисобланади.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил қилиниши реал секторнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш, самарали таркибий ислохотларни амалга ошириш ва инвестиция сиёсатини молиявий таъминлашнинг самарали манбалари шаклланишига олиб келди. Айниқса, ушбу жамғарма инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижросини изчил таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

#### ***2012 йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан:***

а) фаолият юритаётган корхоналар базасида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш;

б) импорт ўрнини босадиган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш;

в) қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва объектларни ишга тушириш муддатини қисқартириш ҳисобидан тезлаштирилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Буни 5.5.2-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан 2012 йилда жами 732,8 миллион доллар ҳажмидаги лойиҳалар молиялаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, жами молиялаштириш манбалари таркибида жамғарма маблағларининг улуши 34,9 фоизни ташкил этади.

Янги қурилиш лойиҳалари учун 259,0 миллион доллар маблағ ажратилиши кўзда тутилган ушбу йўналишдаги жами лойиҳаларни молиялаштириш манбаи таркибида жамғарманинг улуши 45,8 фоизни ташкил этади. Модернизация ва қайта таъмирлаш лойиҳалари учун эса 473,8

миллион доллар маблағ жалб қилиниши кўзда тутилган бўлиб, бу жами молиялаштириш манбалари таркибида 30,9 фоизни ташкил этади.

#### 5.5.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини жалб қилиш орқали амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг 2012 йилда йўналтириладиган ҳажми (миллион доллар)**

| №  | Буюртмачилар ва лойиҳанинг номи        | ишда йўналтирила диган маблағларини | Тиклан иш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг улуши, фоизда |
|----|--|-------------------------------------|--|---|
|    | <b>Жами</b>                            | <b>2 093,7</b>                      | <b>732,8</b>   | <b>34,9</b>   |
| 1. | Янги қурилиш                           | 565,2                               | 259,0  | 45,8  |
| 2. | Тезлаштирилган инвестиция лойиҳаларига | 1 528,5                             | 473,8  | 30,9  |

Юқоридаги маълумотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, жаҳон молиявий иқтисодий-инқирози шароитида республикада кузатилаётган макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суратларини таъминлашда, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ислоҳотлар, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат томонидан молиялаштириш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг амалдаги яхлит ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар билан уйғун равишда олиб борилаётганининг натижасидир.



## **5-МАВЗУ. ДАВЛАТ МОЛИЯСИ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ КРЕДИТИ ВА ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШ**

### **1. Давлат кредитининг мазмуни ва турлари ва таснифланиши.**

Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш-активларни ички манбалардан (резидент-юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келиши;

Давлат кредити ички ва ташқи кредит муносабатлари каби турларга бўлинади. Давлатнинг кредит муносабатлари натижасида давлат қарзи вужудга келади.

Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш-активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси мақсади умумий фойдаланиладиган авто-мобил йўлларини тармоғини ривожлантириш дастурларини ҳамда уларнинг зарур даражадаги техник ҳолатига ва автомобилларни ўтказиш имкониятларига эришишга йўналтирилган тадбирларни молиялаштириш учун маблағларни жамлаш

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг асосий вазифлари куйдаилардан иборат:

- иқтисодий тизимни малакали ишчи ва хизматчилар билан таъминлаш;
- бир тармоқдаги ортиқча меҳнат ресурсларини қайта малакасини ошириш;
- махсус меҳнат биржаларини ташкил этиш;
- ишсизларни моддий таъминлаш;

### **2. Давлатнинг облигацион заёмлари: турлари, эмиссия тартиби ва уларни жойлаштириш. Давлат қарзлари ва уларни бошқариш усуллари.**

Давлат кредити муносабатларининг замонавий инс трументларида бири давлат облигацион заёмлари ҳисобланади. Ҳозирда Республикамизда қисқа, ўрта ва узоқ муддатли облигацион заёмлар мавжуд

*Облигация* (лотинча obligatio сўзидан, мажбурият)-бу унинг эгаси қарз берганлигидан гувоҳлик берувчи ва унга ушбу қимматли қоғознинг номинал қийматини унда кўрсатилган муддатда белгиланган (катъий) фоиз тўланган ҳолда қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоздир.

*Облигация* - бу бир шахснинг (сармоядор - кредиторнинг) бошка бир шахсга (эмитент - қарздорга) маблағларни вақтинчалик фойдаланиш учун берганлиги (кредит) ҳақида гувоҳномадир.

**Давлат қарзи**-давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;

**Давлат ички қарзлари**-давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;

**Давлат ташқи қарзи**-давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;

### **3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат қарзларини бошқариш муаммолари.**

Давлат қарзларини бошқаришнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- қайта молиялаш; заёмлар конверсияси;
- заёмлар консолидацияси;
- қарзларни унификациялаш;
- заёмлар пролонгацияси;
- заёмлар нулификацияси;
- қарзларни репатриация қилиш;
- қарзларни қайта сотиб олиш(РЕПО операцияси).

Ҳозирги вақтда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида, аксарият мамлакатларнинг ташқи қарзи ҳаддан ташқари ошиб кетаётганлигини кузатиш мумкин.

#### **1-жадвал**

#### **Ривожланган мамлакатларда ташқи қарз даражаси (2011 йил 30 июндаги ҳолати)**


| <b>Мамлакат</b> | <b>Ташқи қарз, миллион<br/>АҚШ долл.</b> | <b>Аҳоли жон бошига<br/>ташқи қарз миқдори,<br/>АҚШ долл.</b> | <b>ЯИМга нисбатан<br/>ташқи қарз, фоиз</b> |
|-----------------|--|---|--|
| Европа Иттифоқи | 16080000                                 | 32092   | 108  |
| АҚШ*            | 15033607                                 | 50000   | 100  |
| Буюк Британия   | 9836000                                  | 147060  | 416  |
| Германия        | 5624000                                  | 63493   | 159  |
| Франция         | 5633000                                  | 74410   | 188  |
| Япония          | 2719000                                  | 19300   | 57   |
| Испания         | 2570000                                  | 52588   | 165  |
| Италия          | 2684000                                  | 39234   | 101  |
| Ирландия        | 2357000                                  | 482340  | 1307,6                                     |

\*Изоҳ: АҚШ бўйича маълумот 2011 йил 18 ноябрдаги ҳолати бўйича берилган.

Жадвалдан кўринадики, ташқи қарз даражасининг Ирландияда 1307,6 фоиз, Буюк Британияда 416 фоиз, Францияда 188 фоиз ва бошқа кўплаб мамлакатларда йиллик ЯИМ ҳажмидан сезиларли даражада юқори бўлиши мазкур мамлакатларнинг молия соҳасида жиддий муаммолар мавжудлигини англатади.

Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози АҚШ ипотекали кредитлаш бозоридаги инқироздан бошланган бўлса, инқирознинг иккинчи тўлқини асосан АҚШ ва Европа мамлакатлари давлатнинг молиявий фаолият соҳасидаги инқироз билан бошланди. АҚШ ва Европа мамлакатлари ҳукуматларининг бир неча йиллар мобайнидаги қарз


сиёсати ва кейинги йилларда кузатилган сурункали бюджет тақчиллиги молия тизимидаги таназулнинг авж олишига ва охир-оқибатда ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг кескинлашувига олиб келмоқда. Ушбу муаммоларнинг ҳозирги кунда янада кучайиши XX асрнинг энг буюк ва тарихий бирлашуви ҳисобланган Европа иттифоқига ҳам раҳна солмоқда.



**1-расм. Европа мамлакатларида бюджет тақчиллигининг ҳолати.**

Расмдаги маълумотларидан кўриниб турибдики, бюджет тақчиллиги Ирландия(10,5 фоиз), Франция(5,8 фоиз), Португалия(5,9 фоиз), Греция (9,5 фоиз), Италия(4 фоиз), Испания(6,3фоиз) ва бошқа қатор мамлакатларда асосий молиявий муаммолардан бирига айланиб улгурган. Бу ўз навбатида ташқи қарзларнинг ортиб боришига ва натижада ҳукуматнинг кредит қобилияти тушиб кетишига олиб келмоқда. Буни қуйидаги маълумотлар асосида кўриш мумкин.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, Греция, Италия, Португалия мамлакатлари Европа иттифоқи мамлакатлари орасида ташқи қарзларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳажми бўйича олдинги ўринларни эгалламоқда.



**2-расм. Европа мамлакатларида давлат қарзларининг ҳолати.**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикамизда кузатилаётган макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръати шароитида давлат бюджетининг тақчиллик билан режалаштирилишига қарамасдан, биргина 2011 йилда ЯИМга нисбатан 0,4 фоиз профицит билан ижро этилаётгани

нафақат иқтисодий соҳада, балки давлатнинг молиявий фаолияти соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг натижасидир.

Хусусан, бунда иқтисодиётдаги солиқ юкини изчил камайтириб бориш сиёсати шароитида бюджет харажатларини манзилли ва мақсадлик даражасини ошириш, жон бошига молиялаштириш тизимини жорий этиш, бюджет ижросининг ғазначилик тизимини жорий қилиш каби чоратадбирларнинг аҳамияти каттадир.

Республикамизда чуқур таркибий ислохотлар, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш билан боғлиқ кенг кўламли ислохотлар олиб борилишига қармасдан, давлат ташқи қарзларининг ЯИМга нисбатан хажми 17 фоиздан ортмайди. Бу ҳам амалга оширилаётган оқилона қарз сиёсатининг натижасидир.

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

| №  | Тест саволлари   | 1   | 2   | 3   | 4  |
|----|--|---|---|---|--|
| 1. | Давлат молиясининг асосий бўғинларини кўрсатинг  | Давлат бюджети, бюджетдан ташқари мақсадли фондлар, давлат кредити, давлат корхоналари молияси.   | Давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, давлат корхоналари молияси.                              | Давлат кредити  | Давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, давлат кредити.                   |
| 2. | Давлат молиясини бошқаришнинг функционал элементларини кўратинг  | Давлат молиявий активлари, молиявий ресурсларини шакллантириш ва уни сарфланишини режалаштириш, ташкиллаштириш, оператив бошқариш ва давлат молиявий назоратини ташкил этиш | Давлат молиявий ресурсларини шакллантириш ва уни сарфланишини тартибга солиш ва жорий назорат қилиш | Давлат молиявий ресурсларини шакллантириш ва уни сарфланишини бошқариш ва уни истиқболли режалаштириш | Давлат молиявий ресурсларини шакллантириш ва уни сарфланишини назорат қилиш. |
| 3. | Тўлиқ бандлик ва ЯИМни инфляцияни ишлаб чиқарилишини таъминлашга йўнатирилган, давлат харажатлари ва солиқларни ўзгартириш бўйича ҳукумат тадбирлари мажмуаси- | Фискал сиёсат   | Монетар сиёсат  | Молиявий сиёсат   | Солиқ сиёсати  |
| 4. | .....ялли талабни рағбатлантириш мақсадида давлат харажатларини ко`пайтирилиши ёки солиқларни камайтириш орқали циклик бюджет тақчиллиги келиб чиқади.         | Дискрецион фискал сиёсатда  | Нодискрецион фискал сиёсатда  | Секвестр сиёсатида  | Молиявий сиёсатда  |
| 5. | “Давлат фискал (ҳазинавий) ва кредитли тартибга солиш воситаларидан фойдаланиб, жамиятнинг ялли талабни рағбатлантиришни ва аҳолининг иш билан                 | Ж.Кейнс   | М.Фридман   | А. Смит   | Стокгоlm мактаби намоёндалари  |

|    |  |   |   |   |  |
|----|--|---|---|---|--|
|    | <b>бандлигини таъминлаши зарур”- деган ғояни қайси иқтисодчи олим илгари сурган?</b> |   |   |   |  |
